2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 223 (1284), 2024 йил 2 ноябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НАФАҚАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА, БАЛКИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА ҲАМ БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари йирик саноат объектлари ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа ташкилотлари билан танишиш, янги лойиҳаларга старт бериш мақсадида Навоий вилоятида бўлди.





Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига ташрифининг иккинчи куни хайрли воқеа билан бошланди. Жамоатчилик вакиллари иштирокида янги лойиҳаларга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда Навоий вилоятида тадбиркорлик жадал ривожланиб, инвесторларнинг ҳудудга қизиқиши тобора ортмоқда. Биргина 2023 йилнинг ўзида 101 триллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 648 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Шунингдек, қарийб 478 миллион долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, вилоят ташқи савдо айланмаси қарийб 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Вилоятда 300 дан ортиқ чет эл корхоналари ишлаб турибди. Энди уларнинг сони янада кўпаяди.

Маросимда 15 та лойиҳа ҳақида эълон қилинди.

Жумладан, Конимех туманида ёнувчи сланецларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг биринчи босқичи, Кармана туманида 300 мегаватт қуёш фото электр станцияси ва 75 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизими, Навоий шаҳрида техник газ ишлаб чиқариш, Ғозғон шаҳрида мармар ва Зарафшон шаҳрида гранит тошларни қайта ишлаш, Учқудуқ туманида каолин қазиб олиш ва бойитиш, Хатирчи туманида балиқ озуқаси тайёрлаш лойиҳалари қурилиши бошланди.

Кармана туманида калий сульфат ва сульфат кислотаси, Навоий шаҳрида пахта целлюлозаси, Нурота туманида гранит тошларни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди.

Мазкур 15 та лойиҳанинг умумий қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар. Уларнинг натижасида 7 мингдан ортиқ иш ўрни пайдо бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, янги лойиҳаларнинг қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди.

Шундан сўнг Навбаҳор туманида Навоий вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг бошида яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари кенгашларига сайловлар демократик тамойиллар асосида қизғин ўтганини таъкидлаб, унда масъулият билан қатнашган фуқароларга миннатдорлик билдирди.

Давоми 2-бетда

КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Дмитрий Чернишенко бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Россия делегацияси таркибида учрашувда вазирлар Алексей Чекунков ва Сергей Кравцов ҳам қатнашди.

Олий даражадаги келишувларга мувофиқ Ўзбекистон — Россия кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Дмитрий Чернишенко давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат Раиси Михаил Мишустиннинг саломини етказди.

Суҳбат давомида икки мамлакат ўртасидаги таълим ва гуманитар алмашинувни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари фаолияти ва Ўзбекистонда уларнинг янги филиалларини очиш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз ҳудудларининг Россиянинг Узоқ Шарқдаги ҳудудлари билан амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Томонлар ўзаро сайёҳлар оқимини кўпайтириш, қўшма маданий ва спорт тадбирларини ўтказишдан манфаатдор эканлиги қайд этилди.

ЎзА

Шукуҳ

УЛКАН МУВАФФАҚИЯТ ВА МЕГАЛОЙИҲАЛАР МАЖМУАСИ

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ФАОЛИЯТИ ШУНДАЙ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ





Олтин ўз-ўзидан қазиб олиниб, қайта ишланиб, қимматбаҳо маҳсулотга айланмайди. Унинг ортида юзлаб, минглаб кишилар меҳнати ётади. Ўзининг 75 йиллик юбилей санасини нишонлаётган “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ана шундай машаққатли, шу билан бирга, шонли йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон рангли металлургияси байроқдори бўлган комбинатнинг ўзи ҳам йиллар давомида нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёда олтин каби қимматбаҳо, зангламас ва зарур корхонага айланди.

Унинг ҳар бир ишчи-ходими олдига қўйилган вазифаларни шараф билан адо этиб келмоқда. Ўз касбининг фидойилари — кончилар ер қаъридан қазиб олаётган табиий бойликлар мамлакатимиз иқтисодий юксалиши, аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшиляпти. Бугун комбинатнинг ҳар бир аъзоси кўксида ўзгача ғурур туймоқда, Олмалиқ шаҳри аҳолиси эса ана шу байрамона кайфиятга шерик.

“Металлург” маданият саройи ҳар галгидан ўзгача безатилди. Турли соҳа вакиллари, нуронийлар, хорижлик меҳмонлар алоҳида ҳурмат билан кутиб олинди. Шу ерда бўлиб ўтган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этиб, Президентимизнинг комбинат меҳнат жамоасига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Давоми 2-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда кенг кўламли ислоҳотлар, тараққиётнинг янги, бугунги замон талабларига ҳамоҳанг шиддатли босқичига ўтишга қаратилган улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, бугун амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттиришда ижро интизоми асосий омиллардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ижро интизоми натижадорликни таъминловчи муҳим кўрсаткич

Ислоҳотлардан кўзланган натижаларга эришишда, энг аввало, бутун тизим ёки йўналишларни замон талабларига мос равишда ислоҳ қилишнинг **ҳуқуқий асослари** яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Давлат активларини бошқариш агентлиги тизимида ҳам қатъий интизом ўрнатишга ҳуқуқий замин яратди.

Давоми 3-бетда



НАВОИЙНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ ЯНГИ ШАҲАРЧАДА НАМОЁН

3

Комбинат қутлуғ 75 йиллик юбилейини кўплаб ютуқ ва муваффақиятлар билан қарши оляпти. Айни пайтда 2030 йилгача комбинатни ривожлантириш концепцияси доирасида Ёшлик-1 конини ўзлаштириш ва 3-мис бойитиш фабрикасини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 2 ноябрь, 223-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НАФАҚАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА, БАЛКИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА ҲАМ БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Буюк бобомиз номи билан аталадиган Навоий вилояти маънавий тарбия, маърифий юксалиш йўлида барчага ўрнак бўлиши керак. Шу маънода, давлатимиз раҳбари янги — 2025 йилни вилоятда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилишни таклиф этди. Бу ташаббус доирасида республика танлови ва навоийхонлик кечалари ўтказилади, ёшларбоп китоблар чоп этилади, шоир асарлари бўйича фильмлар тайёрланади. “Янги Навоий” шаҳарчасида муҳташам ҳайкал ва музей барпо этилади.

Иқтисодиёт ҳақида гап кетар экан, кўрсаткичлар ва режалар атрофлича таҳлил қилинди.

Сўнгги етти йилда Навоийда 8 миллиард долларлик 6,5 мингта лойиҳа ишга тушиб, 27 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратилган. Тадбиркорлар сони 3 карра кўпайган. Шу вақт ичида вилоят иқтисодиёти тўққизинчи ўриндан учинчи ўринга чиқиб, 82 триллион сўмга етган. Бу йил 2,2 миллиард долларлик 577 та лойиҳа бажарилиб, 10 мингта юқори даромадли иш ўрни пайдо бўлади.

Шу билан бирга, имкониятлар ҳали кўп. Навоий вилояти мамлакатимиз марказида жойлашган, бой табиий ресурслар, етарли инфратузилма ва инсон салоҳиятига эга ҳудуд. Юртимиздаги 5 триллион долларликдан ортиқ қазилма бойликларининг 20 фоизи Навоий заминида. Бу исталганча инвестор талабини қондира олади.

Вилоятда ҳар йили 100 триллион сўмликдан ортиқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Жон бошига даромад республикада иккинчи ўринда. Булар маҳаллий тадбиркорликни ривожлантириш, савдо, хизматлар, умумий овқатланиш ва туризмни кенгайтириш учун катта имконият.

Ҳозирда вилоятда 11 миллиард киловатт-соат электр энергияси чиқариляпти, яна 5,2 гигаваттли шамол ва қуёш станциялари ишга тушиш арафасида. Булар — янги саноат ва сервис корхоналарининг узлуксиз ишлаши кафолати.

Шу нуқтаи назардан, вилоят ҳокими, 11 та шаҳар ва туман ҳокимлари, давлат ташкилотлари ва банклар, 330 та маҳалладаги “еттилик” бу имкониятлардан қай даражада фойдалана оляпти, дея савол қўйилди.

2025 йилда вилоятга 3,7 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилиши, натижада 600 та янги корхона очилиб, 15 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Энг муҳими, бу лойиҳалар нафақат Навоий, балки атрофидаги вилоятлар саноатини ҳам эргаштиради.

“Ер қаъри тўғрисида”ги янги қонунга мувофиқ, энди янги тизим бўлади. Барча стратегик ресурсли конлар ҳалқаро баҳолашдан ўтади.

Навоий вилоятида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг ҳудудий бошқармаси очилади. Энди лицензия ва рухсатнома бериш, конларни аукционга чиқаришни бошқарманинг ўзи ҳал қилади.

Вилоят ҳудудидан Зарафшон дарёси ва Оқдарё ўтган. Яна 256 километр сой, 2 минг километрдан зиёд каналлар бор. Уларда кичик гидроэлектрстанциялар қуриш бўйича кўрсатма берилди. Бунинг учун 10 миллион доллар ажратилади, ГЭСлар “саноат ипотекаси” асосида тадбиркорларга берилади.

Келгуси йилда Навоийга 500 минг хорижий туристни жалб қилиб, бу хизмат экспортини 150 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди. Йўл бўйларида енгил конструкцияли шохобчалар ташкил этилиб, савдо ва сервисларни кўпайтириш имконияти кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда 16 минг камбағал оила, 8 мингдан зиёд ишсиз фуқаро бор. Иқтисодиёт тармоқларидаги қўшимча салоҳиятдан фойдаланиб, уларни иш билан таъминлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Бандлик ва ижтимоий ҳимоя тизимлари биргаликда бир йилда 16 минг оилани камбағалликдан чиқариш мақсади белгиланди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини захира қилиб, бозорларга кунлик етказиб бериш, уларнинг нархини барқарорлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Бунда қишлоқ хўжалиги муҳим. Лекин Навоийда бор-йўғи 100 минг гектарда экин экиляпти. Унинг 72 фоизи насосда суғорилади. 9 миллион гектар яйлов бўлса-да, чорва кам.

Шу боис, келгуси йилда пахтачиликда Туркия, Хитой уруғи ва технологиясини олиб келиб, ҳосилдорликни 70 центнерга чиқариш, 7 минг гектар боғ ва токзорларни янгилаш, ҳамма сувли ерларни лазерли текислаб, такрорий экин сифатида 10 минг гектарда кунгабоқар етиштириш чоралари белгиланди. Яйловларга дрон билан озуқа экинлари, доривор ва зираворлар уруғлари сепилиб, 50 минг аҳолига бўлиб берилади. Умуман, уч йилда 3 миллион гектар яйлов яхшиланиб, чорва 10 карра кўпайтирилади.

Инфратузилма билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Зарафшон шаҳрида аҳоли тез ўсаётганини инобатга олиб, унинг ҳудудини Томди тумани ҳисобидан 2 минг гектарга кенгайтириш ва 150 минг аҳоли учун шароит яратиш зарурлиги айтилди.

Зарафшон шаҳри, Учқудуқ ва Томди туманларида жами 200 минг аҳоли яшайди. Хорижий инвесторлар ҳам кўп келяпти. Уларга қулайлик яратиш учун Зарафшон шаҳридаги аэропортдан фойдаланиш, “Янги Томди” қўрғонига қўшимча электр тармоғи тортиб, тадбиркорлик лойиҳаларини кўпайтириш мумкин.

Чекка ҳудудлардаги 18 та эски мактабни ва ичимлик сув тармоқларини янгилаш, боғча ва мактаблар қуриш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди. Тадбиркорлик қилишга қизиқиши бор 9 минг хотин-қизни касбга ўқитиб, бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва “Яшил макон” дастурининг бажарилиш ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Мутасаддилар, туманлар ва тармоқлар раҳбарлари жорий йил якунида қутилаётган натижалар, келгуси йилга мўлжалланган режалар бўйича вилоят фаоллари ва халқ олдида ахборот берди.

Йиғилишга видеоселектор орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳам уланди. Уларнинг раҳбарлари Навоий вилоятида кўрсатиб ўтилган йўналишларда ўз ҳудудида ҳам имкониятлар борлигини тасдиқлаб, бундан хулоса қилиши ва натижадорликни оширишини айтди. Хусусан, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва хизмат лойиҳаларини жадаллаштириб, ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорлик ва касбга йўналтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини баён қилди. Йил якунигача ва келгуси йилга мўлжалланган режалар белгиланди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ АҲМАД НАРЗУЛЛАЕВ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудоликка учради.

Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган таниқли фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев шу йил 1 ноябрь куни 68 ёшида вафот этди.

А.Нарзуллаев 1956 йили Денов туманида туғилди. Меҳнат фаолиятини тумандаги “Сурхонозиқовқатсаноати” акциядорлик жамиятида бошлади. Кейинчалик Тошкент политехника институтини тамомлаб, “Шарғун” ғишт заводида, Денов туманидаги 37-механизациялашган кўчма колонна ва экспериментал ишлаб чиқариш бирлашмасида турли вазифаларда ишлади. 1991 йилдан “Лочин” фермер хўжалиги раҳбари сифатида фидокорона меҳнат қилди.

А.Нарзуллаев 50 йилдан зиёд давом этган иш фаолияти мобайнида бой билим ва ҳаётий тажрибасини, куч-ғайратини эл-юрт ишига бағишлади. Ўзини ер илмининг ҳақиқий билимдони, замонавий агротехнологиялар ва хўжалик юритиш усулларини пухта эгаллаган ташкилотчи раҳбар, меҳнатсевар, камтарин ва ватанпарвар инсон сифатида намоён этиб, республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

У кўп йиллар Сурхондарё вилояти ва Денов тумани халқ депутатлари кенгашларининг аъзоси сифатида ушбу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва юксалтириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, таълим, тиббиёт, маданият масканлари қуриш ва обод қилиш, янги боғ ва хиёбонлар барпо этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди.

Тажрибали фермер ўнлаб иқтидорли шогирдлар тайёрлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам ибрат намунасини кўрсатди.

Аҳмад Нарзуллаевнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган эди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг етук намояндаси, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Аҳмад Нарзуллаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. ТУРДИЕВ, У. ҚОСИМОВ

Ифтихор

ЎЗБЕК ДУРИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 75 йиллигига

Ширин орзулардан бошланар ҳаёт,
Бахт учун туғилар чунки одамзод,
Ва лекин меҳнатда, билимда нажот,
Азалдан ҳалолдир ҳар бурда нони,
Ахир бу ўзбекнинг Ўзбекистони!

Худо назар қилган шу қутлуғ Ватан,
Ҳар қарич ерида хазина, маъдан,
Уни қазиб олар минг шукр билан,
Бу олтин, бу кумуш, янги мис кони,
Янги Ўзбекистон — улуғ имкони.

Баҳор боғларидан келгандек пайғом,
Ёшлик-1 деб унга қўйилмишдир ном,
Не-не шоирларга бағишлар илҳом,
Оламга таралар Олмалиқ шони,
Ранг-баранг, бебаҳо маъданлар кони!

Қалмоққир, Ёшлик-1 — бирликда ўзди,
“Учинчи” қад ростлаб, кўкка бўй чўзди,
Раҳнамо “4”га ҳам тамал тош қўйди,
Буюк ипак йўлин янги карвони,
Ўзбек дури билан олар жаҳонни!

Етмиш беш ёшдадир бу қутлуғ даргоҳ,
Порлоқ истиқболин қўлласин Аллоҳ!
Олтини мўл элнинг кўкси абад тоғ,
Қарсак қарсиллатиб қутланг бу онни,
Олмалиқ эл-юртнинг бойлик бўстони!

Эъзозу эҳтиром, бахтнинг висоли.
Мукофот олганга бўлсин ҳалоли,
Президент табриги — қувонч тимсоли,
Олтиннинг ортида кумуш карвони,
Олмалиқ оғуши — миснинг макони!

Юртбоши гояси олтин гоядир,
Буюк келажакка пиллапоядир,
Бу миллат гул юзин нурга чаядир,
Ҳар кимга буюрсин ўзининг шони,
Бу бизнинг, ўзбекнинг — Ўзбекистони!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

УЛКАН МУВАФФАҚИЯТ ВА МЕГАЛОЙИҲАЛАР МАЖМУАСИ

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ФАОЛИЯТИ ШУНДАЙ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ

Бошланиши 1-бетда

Шукуҳ



Юбилей сана муносабати билан давлатимиз раҳбари комбинатнинг ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳини мукофотлаш бўйича фармонни имзолагани ҳаяжонларни янада оширди.

Тадбирда юксак мукофотларни Бош вазир ўз эгаларига топширди.

Шундан сўнг бирин-кетин меҳмонлар сўз олиб, катта жамоани байрам билан қутлади, табриклар табрикларга уланди. “Халқимизда бундай гап бор: олтин кондан олтин чиқади. Мен Олмалиқ аҳлининг қалбида олтини бор деб ўйлайман. Ер остидаги маъданларни шу ерлик аҳолининг аждодлари дуо қилиб сўраган, юртимиз бой бўлсин, деган. Олмалиқликлар бугун олтин устида ўтирибди, кумуш устида ўтирибди. Барча ижодкорлар номидан олмалиқликларни байрам билан қутлайман”, дея Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир корхона меҳнаткашларига атаб ёзган шеърини ўқиб берди.

Оз эмас, кўп эмас 75 йиллик йўл. Бу йиллар давомида комбинат қатор ютуқларга эришгани бир томон бўлса, кейинги йилларда амалга оширилаётган мегалойиҳалар овозаси дунёга чиқаётгани янги тарих учун қўйилаётган қадамдир. Комбинат тарихининг ўзи ҳам анчайин қизиқ. Манбаларга кўра, бугунги Олмалиқ ҳудудида II-XII асрларда пойтахти Тункент ва Тўққент номлари билан машҳур бўлган кўҳна Илоқ давлати жойлашган. Илоқ Ўрта Шарқда олтин ва кумуш қазиб олиниши билан ном чиқарган ҳунармандлик марказларидан саналган. Қурама тоғ тизмаларида жойлашган Олмалиқдан кўплаб қадимий ҳунармандлик ашёлари ва эритиш печлари топилгани бу ерларда маъдан-



чилик, темирчилик, мискарлик ривожланганини тасдиқлайди.

Юртимизда фойдали қазилмаларни тизимли равишда излаш ишлари эса бундан юз йил олдин — 1924 йилда бошланган ва бу борада Олмалиқ кон ҳудудлари асосий тадқиқот объектига айланган эди. Натижада Қалмоққир ва Сариқчўққи мис-молибден рудаларининг ноёб конлари, шунингдек, қўрғошин-рух кони — Қўрғошинкон топилди. 1949 йилда Олтинтопган кон-металлургия комбинати қурилиши бошланди. 1967 йил 5 июлида у Олмалиқ кон-металлургия комбинати деб номланди.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ комбинатда янги лойиҳалар ишга туширилди. Шундан сўнг 1991 йил 24 декабрь куни биринчи кумуш қуймаси, 26 декабрь куни эса биринчи олтин қуймаси олинди. 1992 йилдан олий пробали олтин ва кумуш ишлаб чиқарила бошланди. Тозаланган олтин ва кумуш ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши қисқа муддатларда хориж экспертлари эътирофини қозонди. Бугунги кунда комбинат мис-молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш бўйича нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда етакчи саналади. Мис ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та йирик корхонадан бирига айланган.

— Бугун бутун жамоамиз узоқ йиллик тарихга эга корхонамизнинг катта байрамини юқори кайфиятда нишонлаяпти, — деди “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти раиси Абдулла Хурсанов. — Айниқса, Президентимизнинг комбинат меҳнат жамоасига йўллаган табриги биз учун юксак шараф бўлиб, янада катта марраларни эгаллашга ундайди. Ушбу катта даргоҳда 35 мингдан зиёд ишчи-ходим бор. Улар корхона таркибидаги 6 та кончилик корхонаси, 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари, марказий таъмирлаш-механика заводи, оҳак заводи, саноат темир йўл транспорт бошқармаси, автомобиль ва технологик транспорт бошқармалари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармаси, шунингдек, 20 дан ортиқ ёрдамчи цех ва лабораторияларда меҳнат қилмоқда. Йилига 148 минг тоннадан ортиқ мис катоди, 90 минг тонна рух, шунингдек, олтин ва кумуш, молибден, вольфрам, рений, селен, теллур ва кадмий каби ноёб металлар ишлаб чиқариляпти.

Комбинат қутлуғ 75 йиллик юбилейини кўплаб ютуқ ва муваффақиятлар билан қарши оляпти. Айни пайтда 2030 йилгача комбинатни ривожлантириш концепцияси доирасида Ёшлик-1 конини ўзлаштириш ва 3-мис бойитиш фабрикасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Фабрика фойдаланишга топширилгандан сўнг 3 мингга яқин иш ўрни яратилади. Жорий йилнинг 15 октябрь куни Президентимизнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташрифи давомида ушбу лойиҳанинг 2-босқичи доирасида 4-мис бойитиш фабрикаси қурилишига старт берилди. Бу лойиҳа орқали йилига 146 минг тонна мис катоди ва бошқа қимматбаҳо металларни олиш қувватлари яратилади. Фабрика ва унинг инфратузилмаларида 3 мингдан ортиқ киши ишлайди. Янги фабриканинг ишлаб чиқариш жараёнида юқори технологик, экологик хавфсиз ва тежамкор технологиялар қўлланилади. Бир сўз билан айтганда, комбинатда асрга татигулик лойиҳалар рўёбга чиқариляпти. Улар келгусида юртимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилади. Ўз навбатида, халқимиз фаровонлигини янада оширишга ҳисса қўшади.

Комбинатнинг қай ходими билан гаплашманг, ана шундай ютуқларни тўлқинланиб гапиради. Кончи ва металлурглар, фидойи ходимларга топширилган юксак мукофотлар эса уларнинг кўксига эътироф, ишонч, рағбат белгиси бўлиб тақилди.

— Шундай қутлуғ санада комбинатимизнинг бир гуруҳ ходимларига давлат мукофотлари топширилди, уларнинг орасида мен ҳам борлигимдан фахрланаман, — деди комбинатнинг илм-фан ва инновациялар бўлими етакчи муҳандиси, “Шуҳрат” медали соҳибаси Наргиза Бекбўтаева. — Бу мукофот нафақат менга, балки комбинатимиз хотин-қизларига билдирилган ишонч ва эътироф рамзидир. 2007 йилда корхонада иш бошлаган бўлсам, шу йиллар давомида кўплаб ўзгаришларга гувоҳ бўлдим. Айниқса, сўнгги 7 йилдаги ишлар алоҳида аҳамиятга эга, чунки ислоҳотлар сабаб ишлаб чиқариш ва илм-фан интеграцияси учун яхлит тизим яратилди. Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш йўналишларида илмий изланишлар қилиняпти. Олдимизда улкан марралар, катта режалар турибди. Ишонч билан айта оламанки, комбинатдаги мегалойиҳаларни жадаллик билан ишга туширишда бор куч-ғайратимиз ва илмий салоҳиятимизни сафарбар этамиз. Яқин келажакда корхонамиз мис саноати гигантлари қаторида рангли металлар ишлаб чиқаришда етакчилардан бири бўлишига ишонамиз.

Комбинатда узоқ йиллардан буён меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Улар бир йўналишда иш бошлаб, охиригача шу ишни давом эттирмайди. Аксинча, корхона ишлаб чиқаришининг турли қисмларида тажриба ошириб, меҳнат қилади. Бугунги кунда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси “Кўчбулоқ” шахтаси “Семғурон” ер ости участкаси бошлиғи Нуриддин Масалиев ҳам фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган. Юбилей сана муносабати билан у “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

— Бу ерга 1989 йилда келганман, ишлаётганимга 35 йил бўлибди, — деди Нуриддин Масалиев. — Ўзим Ангрен шаҳрида туғилиб ўсганман. Кончилик ҳаётим мазмунига айланиб қолган. Комбинатга оддий ишчи бўлиб келганман. Кўплаб устозлар қўлидан тутиб, соҳа сирларини ўргандим. Уларнинг ўгитлари, маслаҳатлари билан шу даражага етдик. Ҳозир қўлимда 100 дан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилади. Комбинатимиздаги ходимларнинг ҳар бири фидойи. Бу фидойилик ҳеч қандай ўлчовга сиғмайди. Улар ўз касбини севади ва астойдил меҳнат қилади.

Чиндан ҳам соҳа вакилларининг меҳнати ва корхонага қаратилаётган катта эътибор сабаб бугун “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ Марказий Осиёдаги етакчи корхоналардан бирига айланди. Яқин келажакда эса мис ишлаб чиқаришда катта қувватга эга бўлади ва бу комбинатнинг дунё саноатида ҳам муҳим ўрин тутишини англатади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

“Халқчил IPO” дастури иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, капитал бозорини ривожлантириш ва фуқароларнинг молиявий даромад манбаига эга бўлишига хизмат қилиб, кенг аҳоли қатламини мамлакатнинг етакчи давлат компанияларига инвестиция киритишга жалб қилиш учун бошланғич нуқта бўлади.

НИГОҲ 3

2024 йил 2 ноябрь, 223-сон

Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ – ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Акмалхон ОРТИҚОВ,
Давлат активларини бошқариш агентлиги директори

Бошланиши 1-бетда

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ ижро тизими **такомиллаштирилди ва рақамлаштирилди**, шунингдек, барча раҳбарларнинг иш услуби, кун тартиби ҳам ўзгарди. Юқорида қайд этилган ҳуқуқий ҳужжатларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз **“технологик занжир”**ни ташкил қилишнинг **қатъий тизими** белгилаб берилган. Бу борада агентлигимиз томонидан **“Ijro.gov.uz”** электрон тизимига киритилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича **Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси** ва **Ҳисоб палатаси** билан тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, агентлигимиз тизимида ижро интизомини самарали ташкил этиш мақсадида барча раҳбар ва масъул ходимларга **шахсий масъулият ҳамда қатъий жавобгарлик** юклатилган. Ижро муддати яқинлашаётган ҳужжатлар таҳлил қилиниб, тегишлилиги бўйича барча даражадаги таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлар фаолияти **“KPI” орқали баҳолаб борилмоқда**.

Таҳлилларга кўра, агентликка асосий ижрочи сифатида 2024 йил III чораги давомида “Ijro.gov.uz” тизими орқали жами **540 та** топшириқ келиб тушган, шундан **367 та**сининг ижроси **таъминланган.** Қолган **173 та** топшириқнинг ижросини ўз вақтида пухта ва сифатли таъминлаш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги натижалар

Кейинги йилларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди. Биринчи навбатда, 2023 йилда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 65-моддаси билан **хусусий мулк дахлсиз экани**, хусусан, мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Шунингдек, давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди.

Жумладан, **Европа тикланиш ва тараққиёт банки**, **Жаҳон банки**, **Осиё тараққиёт банки, Германия Федерал Молия вазирлиги** билан биргаликда ҳамда илғор хорижий тажриба асосида **“Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”**ги қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Мазкур қонун давлат мулкини бошқариш соҳасидаги энг яхши тажрибалар, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда халқаро молия институтларининг корпоратив бошқарув бўйича тавсияларини ўз ичига олган.

Қонунда давлат мулкини бошқаришнинг аниқ қоида-тамойиллари белгиланиб, давлат корхоналари ва нодавлат юридик шахслар, жумладан, хорижий инвесторлар учун **тенг шароитлар яратиш** мақсадида давлат иштирокидаги корхоналарга **қўшимча имтиёз ва преференциялар беришни рад этиш** принциплари акс эттирилди ҳамда давлат мулки республика ва муниципал мулк сифатида тоифаланди.



Кейинги асосий ютуқлардан бири Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, “Indecon Consulting”, “KPMG” халқаро компаниялари, польшалик экспертлар ҳамда бошқа қатор малакали консультантлар билан яқин ҳамкорликда “Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилиб, қабул қилингани бўлди.

Мазкур ҳужжатда хусусийлаштириш жараёнини соддалаштириш ва самарадорликни оширишга қаратилган қатор янгиликлар назарда тутилиб, **давлат мулкини хусусийлаштириш усуллари кенгайтирилди**. Хусусийлаштиришнинг электрон онлайн-аукцион, танлов ва биржа савдолари, музокараларга жамоатчиликни таклиф этиш, рақобатбардош мулоқот, кейинчалик сотиш шарти билан корхонани ижарага бериш каби **хусусийлаштириш усуллари** белгиланди.

Норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилгани хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қатор имкониятлар яратиб берди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида давлат корхоналари сонини **6 баробар қисқартириш** режалаштирилиб, бу борада мамлакатимизда кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни бошланди.

Мисол учун, 2010-2019 йилларда **1,2 триллион сўм**лик давлат активлари сотилган бўлса, сўнгги уч йилнинг ўзида *(2021-2023 йилларда)* сотилган активлар қиймати **30,2 триллион сўм**ни ташкил этиб *(ёки охирги уч йилда сотилган активлар ҳажми ўн йилда сотилган активларникидан **25 баробардан кўп**)*, **4,5 мингдан ортиқ** давлат активи реализация қилинди.

Шу билан бирга, давлат активлари ва ер участкаларини хусусийлаштириш, бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш ва улар негизида инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш, бюджетга тушумларнинг аниқ механизмларини жорий этиш мақсадида Президентимиз томонидан давлат объектларини хусусийлаштириш ҳамда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш борасида 2024 йилда амалга ошириладиган **устувор вазифалар** белгилаб берилди.

Жумладан, йирик корхоналардаги давлат улушлари, ҳудудларда самарасиз ишлаётган давлат мулки объектлари ва бошқа давлат активларини сотиш ҳамда давлат ва йирик корхоналар мулкларини ижарага бериш орқали жорий йил якунига қадар республика бўйича жами **20 триллион сўмлик** мулкни хусусийлаштиришни таъминлаш чораларини кўриш белгиланган.

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги **“Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори билан **янги хусусийлаштириш дастури** тасдиқланди. Мазкур дастурга мувофиқ, **250 га яқин** давлат корхонаси улуши, **1000 дан зиёд** кўчмас мулк объекти савдога чиқарилиши белгиланди.

Ислоҳотлар доирасида иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ҳамда унда фонд бозори улушини ошириш бўйича қатор ижобий ишлар қилинмоқда.

Президентимиз 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ***“Менинг катта ниятим — юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин”,*** деб таъкидлаган эди.

Шунга кўра, юртдошларимиз йирик давлат корхоналарининг акциядорлари, мулкдори бўлиши учун **“Халқчил IPO” дастури** ишлаб чиқилди. Мазкур жараённи ўтказишда **“KPMG”** халқаро компанияси стратегик консультант сифатида, **“Mosaic Financial”** ва **“Lightman PR”** компаниялари консорциуми кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштириш учун PR консультант сифатида жалб этилган.

“Халқчил IPO” дастури мамлакатда аҳолининг барча қатлами орасида **кенг мулкдорлар синфини — акциядорларни шакллантириш мақсадида** ўтказилмоқда. Бунинг учун “бирламчи/иккиламчи оммавий таклиф этиш” тамойили асосида “Олмалиқ КМК”, “Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖ, “Ўзтемирйўлконтейнер” ва “Ўзбектелеком” каби йирик компаниялар акциялари савдога чиқарилмоқда.

Мамлакат тарихида биринчи марта ўтказилаётган “Халқчил IPO” дастури доирасида биринчи лойиҳа сифатида **“Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖ** акцияларини оммавий жойлаштириш бошланди.

“Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖ акциялари оммавий таклифини ўтказиш жараёнида маҳаллий инвесторларнинг буюртмаларини қабул қилиш “Тошкент” РФБ савдо майдончасида амалда бўлган жараёнга қўшимча равишда фуқаролар ўртасида оммалашишга улгурган ва фойдаланувчиларга қулай бўлган **“E-auksion”** электрон савдо платформаси, жумладан, унинг мобил иловасидан фойдаланган ҳолда **24/7 онлайн режимида** амалга оширилмоқда.

Мазкур “Халқчил IPO” дастури иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, капитал бозорини ривожлантириш ва **фуқароларнинг молиявий даромад манбаига эга бўлишига** хизмат қилиб, кенг аҳоли қатламини мамлакатнинг етакчи давлат компанияларига инвестиция киритишга жалб қилиш учун бошланғич нуқта бўлади.

Президентимиз ташаббуси билан юртдошларимиз фаровонлигини ошириш, уларни бугунидан рози қилиш, бунинг учун халқимизга янада қулай шароит яратиш, иқтисодиётни жадал ва барқарор ривожлантириш каби халқпарвар мақсадлар йўлида катта режалар белгиланяпти.

Шубҳасиз, мазкур режа ва вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилиши ҳар бир раҳбар ва ходимдан **шахсий жавобгарлик**, дахлдорлик ҳиссини англаган ҳолда ишга масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Давлат активларини бошқариш агентлиги тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим **“Ишни жамоа бажаради, масъулият эса шахсий”** тамойили асосида ижро интизомига қатъий амал қилиб, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

> **Таҳлилларга кўра, агентликка асосий ижрочи сифатида 2024 йил III чораги давомида “Ijro.gov.uz” тизими орқали жами 540 та топшириқ келиб тушган, шундан 367 тасининг ижроси таъминланган. Қолган 173 та топшириқнинг ижросини ўз вақтида пухта ва сифатли таъминлаш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.**

ИЖРО ИНТИЗОМИ
ИДОРАЛАРАРО ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

Ислоҳотлар амалда

НАВОИЙНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ ЯНГИ ШАҲАРЧАДА НАМОЁН



Ўтган икки кун давомида давлатимиз раҳбари Навоий вилоятига ташриф буюриб, йирик саноат объектлари ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишди, янги лойиҳаларга старт берди.

Жумладан, “Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиш майдонида бўлиб, нуронийлар ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

— Бугун бу ерга Навоий вилоятидаги 8 та туман, 3 та шаҳарнинг эртанги куни қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш учун келдик. Аслида, битта рўзғорни тебратишнинг ўзи бўлмайди. Худога шукр, аҳолимиз 38 миллионга яқинлашяпти. Бунинг учун халқимизга муносиб мустаҳкам замин яратиб боришимиз керак. Бундай янги шаҳарчаларни нима учун қуряпмиз? Ёшларимиз ўсиб келяпти. Улар ўзи туғилиб ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун ҳамма ҳудудларда шароит яратамиз, — деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилояти ҳам улкан бунёдкорлик марказига айланган. Муҳими, вилоят аҳли бундай ижобий ўзгаришлардан мамнун ва буни ўзаро суҳбатларда эътироф этяпти.

“Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиш лойиҳаси Президентимизнинг 2018 йил 2 августдаги “Республика ҳудудларида “Business city” замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Бунинг учун Кармана туманидан Навоий шаҳрига 1097,6 гектар ер ўтказилди. Шу мақсадда 892 гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер тоифасидан фойдаланилмайдиган тоифага ўтказилган. Биринчи босқичда қурилиш ишлари 450 гектар майдонда амалга оширилиши режалаштирилган.

— Лойиҳани бажариш учун “Янги Навоий” шаҳарчаси ишбилармонлик маркази дирекцияси” давлат муассасаси ташкил этилган. Бу ер майдонида босқичма-босқич “Янги Навоий” шаҳарчаси ва “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиши режалаштирилган. Шаҳарчадан сайилгоҳлар, Навоий давлат университети янги бинолари, бошқа ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли турар жойлар, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари, шунингдек, кутубхона, сунъий кўл ва ҳунармандлик устахоналари жой олади, — дейди Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Акбар Ниёзов.

Янги шаҳарча ҳудудида жами 551,6 минг квадрат метр майдонда 5-16 қаватли турар жойлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт муассасалари, маданият объектлари, 50 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” истироҳат боғи, 2 та сайилгоҳ, 8917 ўринли автотураргоҳ, 18 километр автомобиль йўллари қуриш, 20 километр ичимлик сув, 6,6 километр оқова сув, 18 километр электр ва 16 километр газ тармоқлари тортиш режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, шаҳарчада ижтимоий соҳа объектлари қурилишини молиялаштириш учун республика ва маҳаллий бюджетдан қарийб 120 миллиард сўм, уй-жой фонди, савдо-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун тадбиркорлар ва аҳоли маблағлари, тижорат банкларидан 3,3 триллион сўм, шунингдек, муҳандислик коммуникациялари учун фойдаланувчи ташкилотлар, аукцион савдолардан тушган ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 176 миллиард сўм йўналтирилади.

“Янги Ўзбекистон” боғи қурилиши лойиҳасини вилоят аҳли хурсандчилик билан қабул қилди. Лойиҳа Туркиянинг “Mdesing outdoor factory” компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Навоий шаҳридаги Фаровон маҳалласида 50 гектар ҳудудда барпо этиладиган боғда амфитеатр, сунъий кўл ва фаввора, ёпиқ сузиш ҳавзаси, спорт зали, кутубхона, ресторан-кафелар, велосипед ва пиёдалар йўлаклари, болалар ўйин майдончалари, ҳунармандлик устахоналари, томоша терассаси, савдо ва кўнгилочар ҳудудлар, скейтборт майдони, автотураргоҳлар, ўсимлик шоу ҳамда йўл ҳаракати машғулотлари майдони ташкил этиш кўзда тутилган.



> **Янги шаҳарча ҳудудида жами 551,6 минг квадрат метр майдонда 5-16 қаватли турар жойлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт муассасалари, маданият объектлари, 50 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” истироҳат боғи, 2 та сайилгоҳ, 8917 ўринли автотураргоҳ, 18 километр автомобиль йўллари қуриш, 20 километр ичимлик сув, 6,6 километр оқова сув, 18 километр электр ва 16 километр газ тармоқлари тортиш режалаштирилган.**

Боғда Навоий вилоятининг саноат драйвери бўлган олтин конларига бағишланган Dark Ride маркази бўлади. Яъни бу ерга ташриф буюрувчилар транспорт воситаларида олтин қидириш ва қазиб олиш жараёнларини акс эттирувчи махсус ёритилган саҳналар бўйлаб саёҳат қилади.

Албатта, бу йирик лойиҳа Навоий вилоятидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг узвий давомидир. Бундай янгиланишлар, ҳудудларнинг кўркам қиёфа касб этиши яқин йилларда янада намоён бўлади.

Ҳудудларнинг шаҳарсозлик қиёфасини яхшилаш мақсадида 2017-2024 йиллар давомида жами 73 аҳоли пункти, жумладан, 2 та шаҳар, 19 та шаҳарча, 52 та маҳалланинг бош режалари ишлаб чиқилиб, ҳаётда ўз аксини топмоқда.

Муҳими, бу каби бунёдкорликлар вилоят аҳолисининг ислоҳотлардан мамнунлигига, нуроний отахону онахонларнинг ҳайратига, ёш ўғил-қизларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимиз 1995 йилнинг февраль ойида БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги конвенцияларига қўшилди. 1999 йил 19 августда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 2 ноябрь, 223-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Одатда юрт тараққиёти ҳақида гап кетса, ҳар биримиз дунёқарашимиздан келиб чиқиб, бу борада талайгина омилларни санаймиз. Ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига эътибор масаласида эса жадал ривожланиш, улкан ютуқлар ва халқ фаровонлигининг асоси эканини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин бугун оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда гиёҳвандликка муккасидан кетган, синтетик дори таъсирида турли жиноятларга қўл ураётган, осон пул топиш илинжида наркосавдогарлар қармоғига илиниб қолаётган ёшларимизни кўриб ачинасан киши.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

АСР ВАБОСИ

Дунёда гиёҳвандлик моддалари савдоси ва истеъмоли билан боғлиқ вазият мураккаблашиб бормоқда

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир хабарга кўзим тушиб қолди. Маълум қилинишича, Миробод туманида жиноят қидирув бошқармаси — тезкор қидирув хизмати ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида ушланган шахс бир нечта манзилда жойлашган гиёҳвандлик моддалари лабораториясидан фойдаланиб, синтетик гиёҳвандлик моддалари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Ана шундай манзил Яшнобод туманидаги кўп қаватли уйлардан бирида ҳам аниқланган.

Ушбу фуқаронинг Тошкент вилоятида жойлашган хонадони кўздан кечирилганида синтетик гиёҳвандлик воситалари, турли контейнерлар, қўлқоплар, тарози, газга қарши ниқоблар борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Яна бир ҳолатда Тошкент вилоятида 1 миллиард сўмлик синтетик наркотик сақлаган “закладчик” ушлангани ҳақида ёзилган. 22 ёшли йигит “Tracker” автомашинасида вазни 1 килодан ортиқ бўлган “мефедрон” синтетик гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида сақлаб келган.

Бу рақамлар айтишга осон. Лекин унинг ортидан қанча инсоннинг ҳаёти издан чиқиши, оилалар бузилиб кетиши, жиноятлар содир этилишини ҳисобга олсак, бу катта фожиа.

Халқимиз доимо инсониятга зарар берадиган иллатлардан узоқ бўлиб, фазилатли амаллар қилишга интилиб келган. Чунки яхши амаллар инсонни муродига етказса, ёмон иллатлар инсон учун ҳамиша кулфат, надомат-ҳасрат манбаи бўлган. Гиёҳвандлик мана шундай ёмонлик манбаи бўлган иллатлардан биридир.

Гиёҳвандлик XXI асрнинг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. БМТ маълумотларига кўра, сўнгги 10 йил ичида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар сони 23 фоиз ошиб, 240 миллион кишига етган. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади.

Кейинги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётгани, улар инсон омилисиз ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар, орасида осон тарқатилаётгани масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи кенгайиб бориши, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар нотиббий мақсадларда суиистеъмол қилиниши ортиши, синтетик турдаги наркотик моддалар транзитининг янги каналлари шаклланиши ва мавжудларининг фаоллашуви ортидан бутун дунёда нарковазият кескинлигича қолмоқда. Бу ҳолат мамлакатимиздаги вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Маълумотга кўра, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан 2023 йил мобайнида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ саккиз мингдан ортиқ ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,5 фоиз кўп ҳолат аниқланган.

2023 йилда Ўзбекистон ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар содир этгани учун 94 та ҳолат бўйича хорижий давлатларнинг юзга яқин фуқароси ушланган.

Гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бугунги кунда Ўзбекистон гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ таҳдидга қарши курашда мавжуд барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан фойдаланмоқда. Миллий қонунчилигимизда гиёҳвандликка оид жиноятларнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги, гиёҳвандликка чалинган шахсларни даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Мамлакатимиз 1995 йилнинг февраль ойида БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги конвенцияларига қўшилди. 1999 йил 19 августда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши иммунитет шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган ишлар алоҳида эътиборга молик.

Шунга қарамай, бу турдаги жиноятлар сони ўсишдан тўхтамаяпти. Кейинги беш йилда аниқланган наркожиноятлар икки баробар, ноқонуний муомаладан олинган гиёҳвандлик воситалари эса тўққиз баробар, кучли таъсир қилувчи дорилар 46 фоиз ошган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, юртимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан иммунитет шакллантириш орқали генофондимизга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш галдаги вазифалар сирасидандир.

Ана шу мақсадда жорий йил 6 май куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди.

Миллий стратегияда қайд этилган вазифалар ижроси бўйича алоҳида тартибда ваколатли органлар билан ҳамкорликда “йўл харитаси” асосида уни ҳаётга кенг татбиқ этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “2022-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ва БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “йўл харитаси” доирасидаги тадбирлар муваффақиятли олиб борилмоқда.

— Афсуски, сўнгги пайтларда гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар ўсиши кузатилмоқда, — дейди Юнусобод тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жиноятларни тергов қилиш бўлинмаси бошлиғи Журъатбек Бобожонов. — Бу, албатта, дунёдаги умумий ҳолат билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозир глобал миқёсда наркотик воситаларнинг янги турлари пайдо бўляпти, уларнинг интернетда кенг тарқалиши эса бу иллатга қарши курашни мураккаблаштиради. 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони барқарор ўсган. Ачинарлиси, бундай жиноятларга қўл урган ёшлар салмоғи 21,6 фоиздан 28,1 фоизга ошгани алоҳида ташвиш уйғотади.

Маълумотларга кўра, кейинги уч йилда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан наркотик моддалар билан боғлиқ 26 мингга яқин жиноят иши қўзғатилди. 18 мингдан ортиқ шахс жавобгарликка тортилди, шундан 4 мингдан зиёди 30 ёшгача бўлган шахслардир.

Бугун замонавий технологиялар ривожланган бир даврда яшаяпмиз. Шунинг учун интернет тармоқлари орқали бу жиноятни содир этаётган шахслар сони ҳам ўсиб бормоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ижтимоий тармоқларда гиёҳвандлик моддалари тарқатилиши ва олди-сотдисига қарши фаол курашмоқда. Гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланмасининг янгича, айниқса, интернет тармоғидаги усулларига барҳам бериш, бу борадаги тезкор-қидирув, тергов ва эксперт-криминалистик чоралар комплексини, биринчи навбатда, рақамлаштириш орқали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ўтказилган махсус тадбирлар давомида психотроп дори воситаларини сотиш билан шуғулланган 50 та интернет ресурс аниқланди, — дейди Бектемир тумани ИИОФМБ катта терговчиси Шерзод Шомуродов. — Улардан 38 таси Telegram мессенжерида ишлаган, жами 120 минг обуначиси бор. Ачинарлиси, баъзи ёшларимиз осон пул топиш илинжида мана шундай каналларга аъзо бўлиб, бевосита жиноятга шерик бўлиб қолмоқда.

Бунинг олдини олиш мақсадида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда мунтазам тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда.

Миллий стратегияда белгиланганидек, ички ишлар органларини наркотестерлар билан таъминлаш, жиноятларни аниқлашда дронлардан фойдаланиш, мутахассислар тайёрлаш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Мутахассислар фикрича, айниқса, сунъий яратилаётган гиёҳвандлик воситалари инсон генофондига кучли таъсир қилади.

Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал ташаббуслари

Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши курашишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз минтақавий ва халқаро платформалардан муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Уларнинг асосий мақсади гиёҳвандликка қарши курашда Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бу муаммога халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилишдан иборат. Жумладан, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, 2021 йил ноябрь ойида Тошкентда БМТнинг шу бошқармаси ва Марказий Осиёнинг бешта давлати ўртасида 2022-2025 йилларга мўлжалланган умумий бюджети 90 миллион доллар бўлган янги ҳамкорлик дастури имзоланди.

Шунингдек, 2024 йил 4 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Марказий Осиё давлатларининг гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларини самарали ҳал этиш ва бартараф этиш учун ягона фронт бўлиб ҳаракат ва ҳамкорлик қилишга тайёрлиги” резолюциясини қабул қилди.

Ҳужжатга 30 дан ортиқ давлат ҳаммуаллифлик қилган. Улар орасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг Хитой ва Россия каби доимий аъзолари, шунингдек, Туркия, Саудия Арабистони, Қатар, БАА, Кувайт, Эрон, Филиппин, Индонезия, Сингапур, Япония, Озарбайжон ва Марказий Осиёнинг барча давлатлари бор. Резолюция концепцияси Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясидаги нутқи асосида ишлаб чиқилган.

Марказий Осиёда 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш минтақада гиёҳвандлик моддалари айланмасига қарши кураш билан чамбарчас боғлиқлиги таъкидланган. Ҳужжат гиёҳвандлик моддалари, уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши курашиш, стратегик ташаббуслар ва ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш бўйича комплекс чораларни кўришга чақиради.

Гиёҳвандликка қарши кураш нафақат давлат, балки жамиятнинг кенг қатламлари иштирокини талаб қиладиган мураккаб вазифа. Агар бу оғу фақатгина бир неча инсонни ўлдиради ёки ҳаётини ўзгартиради, десак хато қилган бўламиз. Бу иллатнинг кенг тарқалишига ҳам айнан бепарволик сабаб бўлаётир. Бунга бутун бир миллатнинг тинчлиги, соғлиғига тажовуз деб қаралиши керак.

Бу борада Ўзбекистонда, биринчи навбатда, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар олиб кирилишини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, синтетик гиёҳвандлик моддалари ва кучли психотроп моддаларнинг янги турлари, уларни сотишнинг ноанъанавий йўллари кенгайиб бораётган бир шароитда ёшларни заҳри қотилдан асраш бир ташкилот ёки комиссиянинг эмас, балки умумжамият ва жамоатчилик иши ҳамдир. Унга фақат ҳамжиҳатлик билангина эришиш мумкин.





“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, юртимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан иммунитет шакллантириш орқали генофондимизга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш галдаги вазифалар сирасидандир.

Янгича ёндашувлар

ДАСТУРЛАР БАНДЛИККА, ПИРОВАРДИДА ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

“Ери бойнинг — эли бой”, дейди доно халқимиз. Инсон яшаши, ризқ топиши, турмушини фаровон қилиши учун зарур бўлган ернинг ҳар қаричи олтинга тенг. Ундан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шарти, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир.

— Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Шўрчи туманида муайян ишлар қилинмоқда. Қарор асосида ёшларга фойдаланиш ва даромад манбаига эга бўлиш учун ер ажратиб берилмоқда, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Шўрчи тумани бўлими бошлиғи Шаҳзод Худойбердиев. — Ушбу қарор ёшларга ер ажратиш бўйича бутунлай янгича тизим жорий этилишига замин яратди. Унинг ижроси доирасида шу йилнинг ўзида “маҳалла еттилиги” тавсияси билан мамлакат бўйича 60 минг гектар ер ёшларга 30 йил муддатга ижарага бериладиган бўлди. Вилоят ҳокимликлари захирасидаги ер майдони электрон онлайн аукционга қўйилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ижарага берилади.

Шўрчи туманининг Қоқайди маҳалласи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Ҳудуд аҳли вилоятда биринчилардан бўлиб лавлаги, салатбоп карам каби маҳсулотларни нафақат ички бозорда сотади, балки хорижга экспорт ҳам қилади.

“Бир массив — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳалладаги унумдор ерда меҳнат қилаётган ёшлар ер ёнғоқ экиб, меҳнатига яраша мўл ҳосил олди. Одатда бу экин апрель-май ойларида экилади ва ҳосили сентябрь-октябрь ўрталарида йиғиштириб олинади. Ўғит ер ҳайдашдан олдин, экиш билан бир вақтда ва ўсув даврида солинади. Экиш учун сифатли уруғ танлаш лозим. Уруғ тозалиги 90 фоиз, унувчанлиги 85 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Шўрчи тумани иқлими қуруқ, ёғингарчилик камроқ ҳудуд. Шу боис, экинни томчилатиб суғориш мақсадга мувофиқ. Бу сувни иқтисод қилиш, керакли вақтда озуқа моддаларини беришга хизмат қилади. Ҳосил экилган вақтдан бошлаб нари борса, 100 кунда етилади. “Бир массив — бир маҳсулот” тамойили асосида мулкдорга айланган, мазкур маҳаллада яшовчи Жасур Эшмўминов ҳам бир муддат хорижда ишлаган. Бироқ омади чопмай, уйига қайтди. Маҳалладаги ёшлар етакчиси тавсияси билан ер олиб, маккажўхори етиштириб келмоқда. Маккажўхорининг халқ хўжалигидаги аҳамияти юқори. Дон ва яшил масса учун кенг майдонда экиладиган муҳим маданий ўсимликдир. Саноатнинг бир қанча тармоғида ишлатилиши билан бирга, озиқ-овқат ҳамда чорва учун тўйимли озуқабоп экин сифатида фойдаланилади.

Аввалги мавсумда аукционда ғолиб бўлиб, ижара асосида ер олган ёшлар аллақачон иккинчи экинни йиғиштириб олиш арафасида. Туманнинг Ободон маҳалласида яшовчи Аббос Шербўтаев картошка эккан эди. Даромади ёмон бўлмади. Ҳозир у 30 сотихга мош эккан.

— Мактабни тугатиб, ишламаган жойим қолмади. Қурилишда, хорижда, уйдан узоқда ишлаб кўрдим. Тўғриси, бирим икки бўлмади. “Маҳалла еттилиги” тавсияси билан ер олиб, мўмайгина даромад топдим. Шундан сўнг иккинчи экин сифатида мош экдим. Мошнинг бозори чаққон экан. Айниқса, афғонистонлик савдогарлар орасида талаб юқори, — дейди Аббос Шербўтаев.

Мошдан тайёрланган ун макаронга қўшилса, тўйимлилиги янада ортади. Ундан озиқ-овқат саноати билан бирга чорва учун тўйимли ем-хашак олиш ҳам мумкин. Шунингдек, мош илдизларида туганак бактерия ривожланиб, азотни ўзлаштириб, тупроқ унумдорлигини оширади. Суғориладиган майдонни сув билан таъминлаш чекланганда ҳам кузги буғдой анғизида етиштириб, юқори сифатли мош етиштириш мумкин. Айни вақтда сув танқис ҳудудларда мош юқори ҳарорат ва қурғоқчиликка бардошлилиги сабабли кўпроқ кузги бошоқли дон экинлари анғизида такрорий экин сифатида етиштирилмоқда.

Бугун юртимизнинг турли ҳудудида “Бир массив — бир маҳсулот” дастури асосида мақсади ёруғ ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz
yuz.uz_news
yuz

2024 йил 2 ноябрь, 223-сон

Ниҳоятда уддабурон, кенг фикрлайдиган, ишнинг кўзини биладиган ҳамда халқ бошига мусибат тушганда жонбозлик кўрсата олган бу инсоннинг қайғули қисмати истиқлолимизни қадрлаш, бугун мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлардан янада самарали фойдаланишга даъват этади.

— ҳақиқатнинг тарозиси — Мозий —



АДОЛАТ ва ДИЁНАТГА СУЯНГАН БОЙ



АНДИЖОНЛИК ДАВЛАТМАНД Миркомил Мирмўминбоевнинг ҚАЙҒУЛИ ҚИСМАТИ

Ичига ғулғула тушиб, ҳолдан тойган йигитнинг уйқуси ўчди. Дастлаб асабийлашди, сўнг ўйчан алфозда тун қоронғилигига тикилди. Тикилгани сари юрагини ваҳима чулғар, худди қиш бўйи оч қолган саёқ итлар тўсатдан қопиб оладигандек сергак турарди. Йигит авлиё эмасди, аммо нимадандир кўнгли ғаш. Хароба уй эшигини тирнаётган мушук кўз олдидан тинмай ўтар, унинг ўткир панжаси ва кўчаётган ёғоч қириндиси товушини аниқ-тиниқ ҳис этарди — бу ичидаги мавҳум ғашликнинг ифодаси эди.

Аммо... Айни дамда нимадир содир бўлади. Аниқ. Муқаррар ҳодиса тумани йигит бошида қора булут бўлиб йиғилди. Эти учди. Қаердадир чақалоқ йиғиси эшитилди. Ҳозироқ уйдагиларни уйғотиш керак. Лекин нега? Биргина кўнгли ғашлиги учун ярим тунда ваҳима кўтариши унга, табиийки, эриш туюлди. Совиб қолган сандал ҳидидан кўнгли ағдарилиб кетай деди. Чириган ромларга тикилиб беҳузурлиги янада ошди. Нима бало, бу ҳидни шамол етаклаб келдими ёки хонада аввалдан бормиди? Гўдак бу сафар қулоғининг тагида чинқиргандек бўлди. Тавба, у ўзининг бешикда тарафларни чамалолмай йиғлаётган тўрт ойлик қизининг йиғиси эди. Қачондан бери уйғоқ, нега эшитмади? Бир зумда лойқа хаёли тиниб, фикри тиниқлашди. Аёли уйғонмади. Чарчаган, турмайди.

Бешикка тикилди, жилмайди. Ўзи тебратади. Шу тобда қизалоғининг хотиржамлиги учун у эмас, у хотиржам бўлиши учун қизалоғи керак эди. Симкаравотдан секин турди. Эскироқ нимагадир ўраниб олди. Эгилди ва тебрата бошлади. Дастлаб ёқимли туюлган гўдак йиғиси дақиқама-дақиқа авж олиб борар, қизига ҳаво етмай биғиллар, алланечук бошқача йиғларди. Лекин нимагадир аёли ҳам, бошқалар ҳам уйғонай демасди. Энди у асабийлашар, Бақақуриллоқ томонда момоқалдироқ гумбурлар, эртага Миркомилбой ҳовлисидаги ишларни битириши зарурлигини ўйлагани сайин уйқу элитарди. Гўдак энди ростмана чинқирди, у эса бешикни нега бунча қаттиқ тебратаётганини англолмасди. Тўхта, бу бешик эмас. Ер тебранаётган эди… Одамни беҳол қилиб қўядиган даражада ўткир ва заққум талваса иси димоғини ачиштирди, ҳаёт хуршиди сўнаётган нигоҳида ақл бовар қилмас зилзила содир бўлаётганини тўлиқ идрок эта олмаган қиёфаси музлаб қолди — улгурмади...

Андижон зилзиласи

Зилзила деганда хаёлимизга, аввало, Тошкент зилзиласи келади. Фан-техника тараққий этган пайтда содир бўлгани учун бу силкинишнинг асорати, ундан кейинги қайта қуриш кинотасмаларга, фотосуратларга муҳрланган. Аммо пойтахт зилзиласидан аввал ҳам юртимиздаги бошқа шаҳарларда мудҳиш вайронагарчиликлар бўлган. Ана шундай фалокатлардан бири эски Юлиан тақвимига кўра 1902 йил 2-3 декабрь (бугунги тақвимда 16 декабрь) кунлари содир бўлган ва бутун шаҳарни вайрон қилган Андижон зилзиласидир.

Р.Шамсутдинов, А.Исҳоқов ҳаммуаллифликда ёзган “Андижон тарихидан лавҳалар” китобининг “Андижоннинг тарихий, меъморий обидалари нега бизгача етиб келмади?” номли бобида шаҳардаги қадимий обидаларнинг замонамизга қадар сақланиб қолмагани сабаблари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Андижон шаҳрида бир нечта кучли зилзила содир бўлгани, айниқса, 1902 йил декабрь зилзиласи ортидан шаҳардаги барча муҳташам бино қулагани учун ҳам Андижонда тарихий бинолар деярли тугаб битгани ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, Мелик-Саркисян рисоласида келтирилган фактлар асосида 1902 йили Андижонда юз берган зилзила кўлами тадқиқ этилган.

Андижон зилзиласи Марказий Осиёда содир бўлган кучли зилзилалардан биридир. Ундан Андижон шаҳри ва атрофидаги қишлоқлар катта талафот кўрган. Ер кетма-кет уч марта силкинган. 8 баллик биринчи зилзиладан 1-1,5 дақиқа ўтиб, 9 балдан ортиқ иккинчи силкиниш ва яна 30 дақиқадан сўнг учинчи 8-9 баллик кучли тебраниш оқибатида 50 минг киши яшайдиган Андижон шаҳри улкан харобазорга айланди. Зилзилада 4600 дан зиёд киши ҳалок бўлди. Шаҳардан 5-6 чақирим наригача бўлган темир йўл изи буралиб қолди. Станциядаги паровоз ва поезд вагонлари изидан чиқиб кетди. 2 декабрдан сўнг ҳам бир неча ой давомида ер қимирлаб турди. Зилзила оқибатида Андижон ва шаҳар атрофида эни 10 сантиметргача бўлган бир неча ёриқ пайдо бўлди. Айрим жойларда ер сатҳи 70 сантиметргача чўкди.

Офатдан сўнг зилзила оқибатларини бартараф этиш ишлари бошланиб кетди. Бинолар остида қолганларни чиқариб олиш, ҳалок бўлганларнинг жаноза маросимларини ўтказиш, зарар кўрганларга ёрдам бериш шулар жумласидан. Зилзилада ҳар бир хонадондан бир нечталаб одам ҳалок бўлгани ва андижонликлар мотам ичида қолганига қарамай, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклашда Андижон шаҳри ва унга туташ қишлоқлар аҳолиси жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилди. Андижонлик бойлар катта-катта эҳсон улашиб, шаҳар ва қишлоқларни тиклаётган ҳашарчиларнинг қорнини тўйдирди, қурилиш ашёлари сотиб олиб берди.

Ана шундай саховатпеша бойлардан бири Миркомилбой Мирмўминбоев эди. У Андижон шаҳрини тиклаш учун катта маблағ ажратди. Р.Шамсутдинов ва А.Исҳоқов китобида Миркомилбой Мирмўминбоевнинг Андижон уезди бошлиғи Бржезицийга ёзган хатини келтиради:

“Ўз она шаҳрим Андижоннинг маданий ривожланиши ва батамом тартибсиз аҳволда бўлган Гултепа майдонига маданий кўриниш бериш, майдон ҳам шаҳар кўрки бўлсин, ҳам аҳоли фойдалана олсин деб мен, Миркомил Мирмўминбоев ўз ҳисобимдан Андижон шаҳрига тортиқ сифатида қуйидаги иншоотларни қуришни ўз зиммамга оламан:

1. Турли миллат вакиллари — эркак ва аёлларга мўлжалланган қирқ ўринли намунали шифохона. Унда қуйидаги бўлимлар мавжуд бўлади: а) жарроҳлик; б) туғуруқхона; в) ич касалликлари; г) секцион камералар ва ўликлар сақлаш учун ертўла; д) дезинфекцион камера ҳамда шифохона бошлиқлари, ходимлари ва турли хизматчилар учун махсус бино; е) шифохона биносини марказий иситиш бўлими ҳамда сувни биологик тозалаш хизмати.

2. 30 ўқувчига мўлжалланган интернат туридаги мадраса ўқувчиларини рус тилига ўргатиш бўлимига ҳамда зал ва ёрдамчи биноларга эга рус-тузем мактаби.

3. Юз ўқувчига мўлжалланган мадраса ва хонақоҳи бўлган намунали мактабхона.

4. Европача нусхадаги ертўла ва қоровулхона, учта ҳожатхонаси бор учта дўкон. Мана шу дўконлардан келадиган фойда юқорида кўрсатилган муассасаларни таъминлаш ва таъмирлаш учун ишлатилади.

5. Маҳаллий халқ ва европаликлар учун алоҳида бўлимларга эга бўлган ҳаммом.

Кўрсатилган иншоотларнинг барини мен — Миркомил Мирмўминбоев менинг назоратимда тузилган ва тегишли ҳокимият томонидан тасдиқланган лойиҳа ва смета асосида уч йил давомида қуриб битказишни ўз зиммамга оламан. Шу билан бирга, юқорида кўрсатилган барча бино, иншоот ва жиҳозларни қуриш учун ўз шахсий маблағимдан 500 минг сўм ажратаман”.



Аризада, бундан ташқари, Миркомил Мирмўминбоев ўзи тикламоқчи бўлган иншоотларнинг қаерда қурилиши, майдон ўлчами, қурилиш ишларига жалб этиладиган одамлар сони, уларга бериладиган маош миқдорини аниқ кўрсатган. Дўконлардан тушадиган фойда шифохона ва рус-тузем мактабини таъминлашга етмаса, уч йил давомида ўз ҳисобидан маблағ билан таъминлашни зиммасига олган. Ушбу иншоотлардан даромад келадиган бўлса, уни шаҳар фондига топширажагини билдирган. Мусулмонлар намозхонаси ва мадрасани ўла-ўлгунча ўз ҳисобидан маблағ ажратиб таъминлаб туришни, ўлганидан кейин эса махсус васиятнома асосида маблағ қолдиражагини баён этган.

Ариза 1913 йил 18 сентябрда Андижон уезди бошлиғи, полковник Бржезицкийга топширилган. Аммо унинг биринчи нусхасидаги таклифлар уезд бошлиғига маъқул тушмагани сабабли Миркомилбойга аризани қайта кўриб чиқишни ва қатор ўзгартиришлар киритишни талаб қилган.

Миркомил Мирмўминбоев шифохона ва ҳаммомдан фақат маҳаллий аҳоли фойдаланишини режалаштирган, дўконлар ва ҳаммомдан тушадиган даромаднинг бир қисмини шаҳар бошқармаси ихтиёрига ўтказиб, қолган қисмини ўз ихтиёри бўйича шифохона ва мадраса харажатларига ишлатишни кўрсатган, ҳамма корхоналарни бошқариш учун махсус комиссия тузилиб, бошқариш ишларида шахсан ўзи қатнашишни мўлжаллаган эди. Кейинчалик у мана шуларнинг ҳаммасидан воз кечиб, Бржезицкий талабларини тўлиқ қабул қилишга мажбур бўлади. Чунки Бржезицкийнинг ҳар қандай шартларига кўниб бўлса-да, ишни жилдиришга умид қиларди.

“Мир Калиш”

Масаланинг кейинги тақдири мужмал кечганини Акмал Акром ўғли “Миркомилбой қандай шахс эди?” мақоласида батафсил баён қилган. Ёзишича, мажлисдаги бу масала битта тарафдор (Бржезицкий), учта қарши (шаҳар депутатлари — Ординец ва Куровский ҳамда шаҳар врачи Кашурников), иккита бетараф (Мирали Умарбоев ва шаҳар архитектори Травин) овоз билан кўриб чиқиш учун Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ихтиёрига жўнатилади.

Вилоят ҳарбий губернатори ҳам унинг таклифига рад жавоби берганига шубҳа йўқ. Бу фикримизни Ўрта Осиё темир йўли жандарм-полиция бошқармаси Марғилон бўлими бошлиғининг 1914 йил 25 апрелда Туркистон тумани махфий ишлар бўлимига юборган хати исбот қила олади. Бу хатда шундай дейилган: “Андижонлик сарт, миллионер “Мир Калиш” мусулмон шифокорлар хизмат кўрсатадиган, фақатгина мусулмон беморларга мўлжалланган махсус шифохона қуришни мўлжаллаб, 50 минг сўм хайрия қилди. Лекин доктор Белогужев унинг бу орзусини чиппакка чиқарди... “Мир Калиш”нинг шериклари Белогужевни йўқ қилиш учун ҳаракат қилишлари эҳтимолдан узоқ эмас”.



> **Миркомилбой индамади. Почасини шошилмасдан қайирди. Шу ҳолида уфққа, аниқроғи, уфқни тўсиб турган қарағайларга узоқ тикилди. Ҳаво совуқ бўлса ҳам осмон тип-тиниқ. Ҳорғинлик уни карахт қилар, лекин руҳи тетик эди. Бу рутубатли ўрмоннинг сирли шивирига узоқ қулоқ тутгиси келди-ю, ўйи охирига етмай қаттиқ силкиниб кетди.**

Юқоридаги хатга Туркистон тумани махфий полиция бўлими, ўз навбатида, қуйидагича хулоса чиқаради: “1914 йил 29 апрель... “Мир Калиш” Миркомил Мирмўминбоев бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. У жуда ақлли, айёр, уддабурон киши, эътиқоди бўйича панисломчи ва русларга қарши жуда ёмон муносабатда, Андижон шаҳри тижоратчилар партияси бошлиғи. Ушбу партия аъзоларининг ҳаммаси унга моддий тарафдан боғланган”.

1915 йил охирлари, тўғрироғи, ноябр ойига келиб, Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида “Миркомилбой қамалганмиш”, деган гап тарқалади. Миркомилбой қамалишининг ҳақиқий сабабларини эса Андижон уезди бошлиғи ёрдамчиси ёзган хатда кўриш мумкин: “1915 йил 10 январь. Менким Андижон уезди бошлиғининг ёрдамчиси, подполковник Полюдов, уезд бошлиғи топшириғига биноан унинг гувоҳлигида қуйидаги протоколни ёздим: бугун соат 12:00 да уезд бошқармаси таржимонлари Сулаймон Келганбоев ва Юсуфжон Чаришев менга маҳаллий тилда ёзилган имзосиз хат тутқазишди. Хатни таржима қилиб, унинг маъноси қуйидагича эканини билдик: “Мен, шу хатни иддао қилгувчи, бехосдан Миркомилбой заводига кириб, унинг иш столи устидаги хатга кўзим тушди. Хатни ўқиб чиқиб, ёмон ният билан ёзилганини билдим. Бир бойнинг ёмон мақсади туфайли бутун камбағал мусулмон аҳли жафо тортишининг олдини олиш мақсадида хатни билдирмасдан ўғирлаб, Сиз, жаноби олийларига келтириб беришни лозим топдим”.

Шу ўринда савол туғилади: нега айнан Миркомилбой фитналар, туҳматлар искансасида қоврилаверган? Нимага айнан у мустамлакачилар уйқусини қочирган, ҳаловатини йўқотган? Шубҳасиз, у пайтда маҳаллий бойлар кўп эди. Гап шундаки, Миркомилбой каби ҳам моддиятан, ҳам маънан бой бўлган жадид давлатмандлар саноқли эди. Унинг халқ манфаатидан келиб чиқиб қабул қилган ҳар бир қарори бир қўли билан қорнини қашлаб, бошқа қўли билан миллионлаб одамларни эзғилаётган бақбақадор амалпарастларнинг томоғига қайсар суякдек тиқиларди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Мирмўминбоев капитали ҳақида уезд бошлиғига берилган нотўлиқ ҳужжатга назар ташлаш кифоя.

Миркомил Мирмўминбоевга тегишли мол-дунё ҳаммаси бўлиб 10 миллион сўмни ташкил этган. Бу ерда ҳужжат фақат ер, завод ва бошқа мулкларнинг нархидан келиб чиқиб ёзилган. Бошқа маълумотларга кўра, Мирмўминбоевнинг капитали 1914 йилда 17 миллион сўмга яқин бўлган. Россия молия министри Витгенинг 1897 йилдаги пул ислоҳотидан сўнг Россия пулининг дунё бозорида валюта ҳисобида юрганини эътиборга олсак, андижонлик бой қанчалик катта капиталга эга бўлганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Шу билан бирга, унинг Москва, Санкт-Петербург ва бошқа кўплаб чет эл шаҳарларига тез-тез бориб туришини, Туркистонда хориждан енгил автомашина харид қилган биринчи одам бўлганини, рус маъмуриятидагиларнинг унча-мунчасини писанд қилмаслигини ҳисобга олсак, душманлари оз эмаслиги ҳам аён бўлади.

Уни ҳеч бир ҳокимият суймаган

Орадан кўп ўтмай, Россияда февраль буржуа инқилоби амалга ошди. Унинг шамоли Туркистонга ҳам етиб келиб, Туркистон генерал-губернаторлиги ўрнига муваққат ҳукумат — Туркистон комиссариати ташкил этилди. Ажабланарли жиҳати, янги ҳукумат вакиллари ҳам Мирмўминбоевни судхўрликда айблай бошлади. Бундан фойдаланган душманлари эса яна уйдирма ва бўҳтон уюштириб, муваққат ҳукуматга арз қилишга киришди. Оқибат шу билан тугади: янги сайланган Скобелев ва округ суди прокурори Мирмўминбоев устидан жиноий иш қўзғади.

Акмал Акром ўғли мақоласида баён қилишича, 1917 йил 17 май куни Андижон шаҳри ижтимоий ташкилотлар вакили Бризгалов юқорида тушган аризалар асосида маъруза сўзлайди. У Мирмўминбоевга қуйидаги айбларни қўяди:

“1. М.Мирмўминбоев турли йўллар билан Андижондаги “Шўрои Исломия” ташкилотида фақат ўз ихтиёрига бўйсунадиган реакцион орган ташкил этган.

2. Бу орган комиссарлар постига Андижондаги бошқа ташкилотлар билан келишмаган ҳолда фақат ўз ихтиёрида бўлган ёки умумий ишончни оқламайдиган кишиларни танлаш билан шуғулланган.

3. Мана шу орган ёрдами ва қарори билан бир неча қозини ишдан олиб, улар ўрнига ўзига тегишли одамларни қўйган.

4. Ўз айғоқчилари орқали халқни маълум кишиларга қарши қилиб қўйган. Яқинлашиб келаётган қирғин фақат бошқа ижтимоий ташкилотлар аралашуви натижасида тўхтатилган.

5. Унга қарши бир нечта жиноий иш қўзғатилган ва ҳоказо ва ҳоказо”.

Ушбу хабар тарқалиши билан андижонлик 113 элликбоши ва 33 имом бир тарафдан, аҳоли иккинчи тарафдан Туркистон муваққат ҳукумати вакилларига арзнома билан мурожаат этади. Бу хатда Андижонда бўлиб ўтган тартибсизликларнинг асосий сабабчиси 2-матлубот жамияти аъзоси Темирбеков экани, у аҳолига ун беришни тўхтатиб қўйгани туфайли камбағаллар ғазабга миниб, тартибсизлик бошлангани, бунда Мирмўминбоевнинг ҳеч қандай иштироки йўқлиги, бинобарин, унинг сургун қилиниши ҳукумат ва халқ орасида қаттиқ тўқнашувларга сабаб бўлиши очиқ-ойдин айтилади.

Ушбу арзномалар ҳамда сентябрь бошларида бўлиб ўтган Андижон мусулмонлари уезд-шаҳар ижтимоий ташкилотлари съезди чиқарган ҳукм натижасида Миркомил Мирмўминбоев Андижонга қайтиб келади. Лекин Миркомилбой эркин нафас оладиган кунлар узоққа чўзилмайди.

1917 йил Октябрь инқилоби ғалаба қозонгач, Миркомилбойга ўхшаган бойлар чинакамига таъқибга учради. Уларнинг ер-суви, заводлари ва мол-мулки тортиб олина бошлади. Чиқиб кетиш қийин бўлган чоғга тушиб қолган Миркомилбой большевиклар ҳокимиятини тан олмайди. Янги ҳокимият даврида ҳам унга қарши фитна ва имзосиз хатлар тушиши давом этаверади. Охири яна ҳибсга олинади. 1918 йил 22 февраль куни большевиклар эгалик қилаётган Скобелев округ судида унинг “иши” кўрилиши керак эди. Лекин судга олиб келишмайди. Чунки бу пайтда у отиб ташланган эди…

* * *

Миркомил ҳорғин, мадорсиз, ўй-хаёлга ғарқ, онгсиз тарзда ер қазир эди... Негадир тупроқ тафти танига хуш ёқар, агар рухсат берилганда озгина муддат қўлини ботириб турган бўларди. Лекин муҳташам сукунатни уёқдан буёққа талмовсираб бориб келаётган чувак аскарнинг одим товуши бузарди. Ниҳоят у маҳбус қазиётган чоҳ одамнинг белига келиш-келмаслигини чамалади-да, чор-атрофга аланглаб олгач, “Бўлади, тўхтат”, деди.

— Оёқ-қўлимни ювиб олсам бўладими? — дея секин, аммо қатъий оҳангда сўради бой.

Бу гапни эшитгач, беўхшов, юпқа қор қоплаган харсангга ўтириб, хотиржам тамаки тутатаётган иккинчи аскарни йўтал тутди — тутун томоққа яхшигина тиқилди чоғи ранги бўзариб кетди.

— Ўша ёқларда ўзлари ювиб қўйишади, тезлаш, — деди у.

Миркомилбой индамади. Почасини шошилмасдан қайирди. Шу ҳолида уфққа, аниқроғи, уфқни тўсиб турган қарағайларга узоқ тикилди. Ҳаво совуқ бўлса ҳам осмон тип-тиниқ. Ҳорғинлик уни карахт қилар, лекин руҳи тетик эди. Бу рутубатли ўрмоннинг сирли шивирига узоқ қулоқ тутгиси келди-ю, ўйи охирига етмай қаттиқ силкиниб кетди. Аскар турди:

— Ўлгинг келяптими ўзи, йўқми? Ҳеҳ...

Шериги кулди. Бойнинг ғаши келди. Бироқ дарҳол унутди. Бу кулранг ёпинчиқли сукунатни вужудига сингдириш умидида иродасини жамлади. Икки курагининг қоқ ўртасидан яна бир қаттиқ зарб еди — қандай бўлмасин, мувозанатни сақлашга тутинди, хаёли янаям шаффофлашди. Бу азоб, оғриқлар танига кор қилмас, аксинча, бунда муқаддаслик бордай барини бирма-бир ҳис қилишни истарди. Миркомил елкаси, бели аралаш устма-уст санчилаётган, аъзои баданини ўпириб-қўпориб ўтаётган қўрғошин сочмасининг гўё ўзига дахли йўқдек шом қўшиғини тинглар, мовийкўз соқчи эса талвасада устма-уст тепки босаётган эди… Миркомилбой учун ҳукумат, баджаҳл амалдорлар, чақимчи ялоқхўрлар, уни бутун умр таъқиб этган душманлари аллақачон арзимас нарсага айланган — унинг учун бу ёруғ дунёда холис ният-ла бошлаган ва таассуфки, битмаган амалининг рўёбини тасаввур қилишдан олийроқ муддао қолмаган эди…

* * *

Комил Яшин “Ёднома” хотирасида Миркомилбой номини кўп тилга олади. “Андижонни ётқизиб-турғизадиган Миркомилбой ҳамманинг оғзида эди, — деб ёзади адиб. — У ўттиз миллионга қурби етадиган тўртта завод, етти юз десятинадан ортиқ ер-сув эгаси бўлиб, шаҳардаги чор амалдорларию маҳаллий бойлар югурдаклари қаторида юришарди. Миркомил улардан каттароқлар билан гаплашар, майдаларни сариқ чақага ҳам олмасди”.

Битикда салбий оҳанг сезилади. Аммо жамият, давр, бойлик ва камбағаллик ҳодисасини ҳаққоний таҳлил қилсак, яқин ўтмишимиздаги воқеаларни мушоҳада тарозисига қўйсак, кафтимизга бирмунча ўзгача хулосалар тўкилади. Бойнинг оддий одамларга муносабати хусусида бир нарса дейиш қийин. Аммо у бажармоқчи бўлган эзгу ишларни билган одам Миркомилбойнинг Комил Яшин ёзганидек зулмкор, қаттиққўл ва зиқна эканига беихтиёр шубҳа билан қарайди. Бу ўринда хотира бой-бадавлат одамлар ашаддий халқ душмани деб қараладиган даврда битилганини ҳисобга олмоқ лозим.

Чиндан ҳам яқин ўтмишда одамлар қалбига бой, ишбилармон кишиларга нисбатан нафрат уруғи сочиб келинди. “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!” деган шиор билан яшаган фуқаролар, нафақат синф ва табақалар, ҳатто турли касб эгалари ўртасида чоҳ қазилиб, чуқурлаштирилган эди. Шўро давлати тинимсиз ривожлантириб келган бу манфур сиёсатнинг бирдан-бир мақсади ўзи шу эди — барчани бир-бирига гижгижлаш, халқнинг бошини қовуштирмаслик.

Бугун эса кеча бой-бадавлатлиги учун қувилган, қирилган, бадарға этилган ота-боболаримизнинг эзгу ишлари, ҳаёт йўли, турмуш тарзи, оғриқларини ўрганар эканмиз, буни янада оммалаштириш, уларга бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо беришимиз ўзлигимиз, асл тарихимиз олдидаги масъулият, бурчни адо этишда ирода намойиш этаётганимиздан далолат беради.

Ниҳоятда уддабурон, кенг фикрлайдиган, ишнинг кўзини биладиган ҳамда халқ бошига мусибат тушганда жонбозлик кўрсата олган бу инсоннинг қайғули қисмати истиқлолимизни қадрлаш, бугун мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлардан янада самарали фойдаланишга даъват этади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
yuz_official yuz.uz_news yuz
2024 йил 2 ноябрь, 223-сон

Юртимизда илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс ғояси асосида ҳам бугунги дунё ишларига қарши иммунитет ҳосил қилиш мақсади ётган бўлса ажаб эмас. Зеро, инсониятни мушкул муаммолардан ҳамиша маърифат қутқарган.

Огоҳлик қўнғироғи

Бугунги дунё аҳлининг аксари ҳам икки асрнинг, ҳам икки минг йилликнинг гувоҳи бўлган ноёб авлод. Дарҳақиқат, аввалги аср, аввалги минг йиллик ҳозиргисидан тубдан фарқ қилади. Назаримизда, дунё ҳеч бир асрда XX асрдагидек кўп фойда ҳам, кўп зарар ҳам кўрмаган. Бироқ унинг тафсилотларини санаб ўтириш фурсати эмас. Гап ҳозирги даврда муомалада турган инсон фалсафаси ҳақида.





МАНГУ ЭҲТИЁЖ ёхуд КВАДРОБЕР авлодни рағбатлантирувчиларнинг АСЛ МАҚСАДИ НИМА?



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бир донишмандан сўрашибди: “Башарият тарихида энг кўп ўрганилган жумбоқ қайси?”. У “Инсон” дея жавоб берибди. Ростдан ҳам шундай. Энг қуюқ ўрмонларда яшовчи мавжудотларнинг турмуш тарзини кузатиш мумкин, энг чуқур сувликлардаги денгиз мавжудотлари ҳаракатларини ўрганиш мумкин, бироқ инсон қалбига кўзгу тутиб бўлмайди.

Бугун баъзи олимлар сунъий онг таъсирида инсон туйғуларини ўқиш мумкинлигини иддао қилмоқда. Бироқ қанча исбот келтирилмасин, бу иддаолар ўз тасдиғини топганича йўқ. Катта эҳтимол билан топмайди ҳам. Сабаби, инсон қалби илоҳий яратиқ, унинг алгоритмлари фақатгина Яратганга аён. Гап исботи билан бўлиши учун сунъий онг асосида дастурлаштирилган платформага “Сунъий онг орқали инсон қалбини уқиш мумкинми?” дея савол юбордик. Унинг жавоби эса қуйидагича: **“Сунъий интеллект инсон қалбини тўғридан тўғри ўқий олмайди. Юз ифодалари, овоз тони ёки матн контекстини таҳлил этиб, ҳис-туйғуларни тахмин қилишга ёрдам беради. Бу технологиялар муайян ҳолатларда фойдали бўлиши мумкин, лекин уларнинг аниқлиги ҳар доим кафолатланмайди, чунки инсон ҳис-туйғулари мураккаб ва кўп қатламлидир”.**

Дунё инсон тафаккури эришиши мумкин бўлган энг юқори нуқтага етди, дейишга эртадир, сабаби, тафаккурнинг чегараси йўқ. Бироқ ана шу нуқтагача ҳам ақл кучи аллақачон кўплаб маънавий устунларимизга зарба бериб улгурганди. Четдан назар солиб, замонавий дунёга ақл ва руҳ жанги дея таъриф бергинг келади. Ўзимиз ҳам бу жанг иштирокчиси бўлганимиз сабаб мулоҳаза қилишга қийналамиз, келажакни башоратлашда иккиланамиз.

Бир танишим савол берди: “Замондан ҳимояланишнинг иложи борми?”. Мен “Йўқ”, деб жавоб бердим. У эса “Иложи бор, керакли нарсаларни оласан-у, бирор ғорга кириб, узлатга чекинасан ҳамда ўша ерда яшайверасан”, деди. Менинг жавобим эса бундай бўлди: “Одамлар сенга яқин ерларда турли-туман заводлар қуришади ва улардан чиққан заҳарли газлар сенинг ҳам умрингни қисқартиради”. Танишим шундан кейингина янглиш фикрлаётганини тан олди. Дарҳақиқат, замон ҳаммага бирдек юқади, ундан қочиб қутулмоқнинг чораси йўқ — шароитни ўзгартириш мумкин, холос. Гапимизнинг ҳам қўри шу — бизнинг ҳозирги шароитимиз қандай? Шунчаки истеъмолчими ёки тарқатувчи?

Илк компьютерлар яратилганда технология соҳасида инқилоб рўй берган. Унга айрим мамлакатлар кундалик ва тижорий юмушларни осонлаштирадиган восита сифатида қараган бўлса, бошқалари учун улар ҳақиқий илҳом манбаи эди. Демак, бундан ҳам зўрларини яратиш мумкин! Қайси тарафнинг ғолиб келганини эса бугуннинг ўзи исботлаб турибди. Таассуфки, биз истиқомат қилаётган минтақа халқлари ҳам биринчи тоифада қолиб кетди. Яъни биз аввалбошданоқ ахборот оламида истеъмолчи бўлишни афзал кўрдик. Бунинг жабрини эса ҳали узоқ йиллар давомида чекишга мажбурмиз. Агар бугунги глобаллашувда фақатгина кашфиётлар билан яшаб қолиш мумкинлигини тушуниб етмасак, ахборотга қарши умумминтақавий иммунитетимизни шакллантирмасак, ахборот технологияларига шунчаки соҳа сифатида эмас, тармоқ сифатида қарашни ривожлантирмасак. Бунга тайёрмизми? Ҳамма гап шунда.

Биз келажакни қандай тасаввур қиламиз? Агар бу савол билан ёшларга юзлансангиз, улар келажакни иқтисодий эркинликка эришганлик, оиласига енгил ҳаётни туҳфа қила олиш имкониятига эгалик кўринишида тасаввур қилади. Катталарда эса аҳвол бундан ҳам қизиқроқ — улар фарзандли бўлиши биланоқ келажакни фарзандлари камолотида деб ҳисоблай бошлайди. Дарвоқе, “Мен эришмаган мақсадларимга болаларим эришсин”, деган тасалли ҳам кўпроқ бизга хос бўлса керак. Ахир инсон ақлий қувватининг ўндан бирини ҳам сарфламай туриб, “таслим бўлиш” қанчалик адолатдан бўлади? Бу иродасизликми ёки миллий иммунитет? Энди ўйлаб кўрайлик. Қашшоқлик онгимиздан бошланиб турган бир паллада биз қандай қилиб бой мамлакатлар сафига кира оламиз? Наҳотки иқтисодий эркин бўлишнинг ўзигина бутун ҳаётингизни тикишга арзиса? Наҳотки бизда ота-она бўлиш барча орзу-мақсадлар ва инсоний қувватни шунчаки қурбон қилиб қўяверишга бўлса?



Кўриниб турибдики, дунёқарашларимизда камчиликлар йўқ эмас. Инсониятнинг энг ҳақли талаби тенгликдир. Дунёвий илмлар ҳам, илоҳий илмлар ҳам ҳеч нуқтада буни инкор қилмайди. Яъни дунёнинг қайсидир бурчагида сувсизлик шароитида яшаётган болакай қаердадир оби ҳаётни керагидан ортиқ совураётган боладан тежамкорликни талаб қилмоққа ҳаққи бор. Эркинлик, тасаввур, табиий ресурслар модомики умумий мулкимиз экан, ундан барчанинг тенг фойдаланиши адолатдан бўлади. Бироқ бугунги дунёнинг аҳволига қараб, бу қонуният тўла ишламаётганига гувоҳ бўламиз.

Шу ўринда ҳар бир инсон табиий ҳуқуқларидан фойдаланишни рад қилишга-да бирдек ҳақли. Зотан, биров бировнинг шахсий чегараларига дахл қилишга инсоний ваколати йўқ. Дунё турли тазйиқлар майдонига айланиб улгурдики, кучлилар кучсизларга қарата турли ғоя ва мафкураларни аёвсиз отаётир. Бу эса, шак-шубҳасиз, инсон фалсафасининг бузилиши ҳисобланади.

Ушбу ғоялар ичида энг ачинарлиси эса инсонни ўз моҳиятидан узоқлаштиришга ҳаракат қилинаётганидир. Шулардан бири, масалан, квадробика. Бу субмаданият ижтимоий тармоқлар орқали 2020 йилдан буён тарқала бошлаган. Унинг асосчиси бўлган япониялик шахс ҳайвонларга тақлид қилган видеолавҳаларини интернетга жойлаштираркан, ҳамда бошқаларни ҳам бунга тарғиб қила бошлайди. Бора-бора бу “одат” оммалашиб, квадроберлар сони ошиб борди. Маълумотларга кўра, дунёнинг айрим давлатларида квадробика бўйича мусобақалар ҳам ўтказила бошланган. Таассуфки, бу субмаданиятнинг касофати мамлакатимизгача етиб келди. Яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган видеолавҳаларда пойтахт кўчаларида айни “одат”нинг қурбонига айланган болакай ҳаракатларини кўришимиз мумкин.

Ички ишлар вазирлиги хабарида сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда ёшлар ўртасида ўзини муайян ҳайвон қиёфасида акс эттирувчи аксессуарлардан фойдаланган ҳолда ўша жонзот хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш кўринишидаги квадроберлик субмаданияти намоён бўлаётгани айтилган. Қайд этилишича, бу каби воқеалар Қозоғистон, Россия ва Украина ёшлари орасида ҳам кузатилган. Ачинарлиси, бундай номақбул ҳаракатлар Тошкент шаҳрида ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, 10 октябрда ҳайвонлар қиёфасидаги ниқобларни тақиб олган квадробер юрганини кўришган, 11 октябрда эса яна бир квадробер йўловчиларга итга тақлидан ҳужум қилган, воқеага гувоҳ бўлган бола қаттиқ қўрқиб кетган.

Ички ишлар вазирлиги ота-оналарни ўз фарзандларини ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш бўйича ўзларининг маънавий бурчлари ва қонуний мажбуриятларини бажаришга чақиради. Бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга масъул органлардан бири сифатида вазирлик шундай субмаданият намоён бўлиши ҳолатлари ота-оналар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик сифатида малакаланишини маълум қилган.

Хўш, бу субмаданият асосида нима ётади? Тавсифни чўзиб ўтирмасдан қисқа қилсак, улар инсонлик қиёфасидан чиқиб, ҳайвонларга хос турмуш тарзини тарғиб қилувчилардир. Маймундек сакраш, итдек ташланиш, мушукдек овқатланиш ва ҳоказо. Энди эсланг, Дарвин исмли олим ва унинг инсон маймундан тарқаган, деган назарияси бор. Бу назария кўплар томонидан рад қилиб келинган ва келинади. Нега? Чунки у инсонни оддий биологик мавжудот сифатида тасвирлаб, илоҳий яратиқ эканини инкор қилади. Бир сўз билан айтганда, дарвинчилар Худони рад этади. Агар мулоҳаза қилиб кўрсак, квадробика асосида ҳам айни шу ғоя ётибди. Яъни инсонни моҳиятидан мосуво қилиб, унга ҳайвоний нисбат бериш. Этни жимирлатиб юборадиган бу хулоса айни субмаданиятнинг қанчалик салбий эканини кўрсатади. Агар одамзод бундан ўз вақтида ҳимояланмаса, бадали ниҳоятда оғир бўлади.

Ҳамкасбим ҳикоя қилади: “Фарзандларим ўртасида тахминан бундай суҳбат бўлиб ўтди.

— Ишонасанми, ҳақиқий мушукка ўхшаб миёвлади. Майса устида тўрт оёқлаб юрди. Ҳатто ўртоғи унинг бўйнидан тасма билан боғлаб ҳам олган.

— Опа, эҳтиёт бўлинг. Улар сизга ташланиб ҳам қолиши мумкин эди.

Бу суҳбатни яхши тушуниб олиш мақсадида фарзандларимнинг мулоқотига шунчаки қулоқ мусофири бўлиб келаётган эдим, гап шу ерга келганда бирдан ҳушёр тортдим. Очиғи, қўрқиб кетдим.

— Ким ҳақида гапиряпсан? Ким ташланиб қолиши мумкин эди?

— Мактабимиз олдидаги кўп қаватли уйлар ҳовлисида квадробер қизлар юрган экан. Тахминан биз тенги (демак, 10-12 ёшлар чамаси), — дея суҳбатга ойдинлик киритди у.

Эҳтимол, шунчаки ўйнаб юрган қизлардир, дея ўзимни тинчлантириб, интернетдан квадроберлар ҳақида маълумот излай бошладим: квадробика — болалар ва ўсмирлар орасида оммалашган тренд бўлиб, хобби, субмаданият ва фитнесс қоришмаси. Квадроберлар ҳайвонларнинг ниқобларини кияди, дум тақади ва ҳайвонларга тақлид қилиб, тўрт оёқда юради ва сакрайди... Бундан ташқари, бунинг салбий оқибатлари ҳақида эксперт ва психологлар тавсиялари, хавотирлари... Савол туғилади: мушукка тақлид қилаётган қизалоқларнинг ота-онаси қаерда? Улар иш билан банд бўлса, қўни-қўшни йўқми огоҳлантирадиган? Эҳтимол, болалар буни интернетда кўриб, шунчаки ўйин дея қабул қилаётгандир? Бироқ хавфсизлигимизга масъул вазирлик бизни огоҳликка чорлаётган экан, демак, фарзандларимизга, ҳаётимизга яна бир хатар хавф солмоқда. Огоҳ бўлишимиз шарт!”.

Одамзодни инсоний моҳиятидан айиришдан нима наф? Бу аслида жуда оғир савол. Ахир бу кимга керак?! Гап шундаки, дунёда бутун одамзодни бошқариш илинжида юрган гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон кучлар бор. Улар баъзан давлат, баъзан ташкилот кўринишида намоён бўлаверади. Лекин бу мақсадга эришиш осон эканми? Зинҳор! Агар башарият соғлом тафаккур қилишда давом этар экан, миллатлар ўз тарихига чуқур ҳурмат руҳида умр кечираркан, бу ғайриоддий мақсадга эришишнинг имкони йўқ. Булар уни жуда яхши англайди. Инсоннинг руҳини ўлдирмай туриб, уни жисмонан ялпи йўқотиш иложсиз. Демак, ҳужумнинг асосий нишони — инсон руҳи. Мақсад — уни фалажлантириш. Бу йўлда эса улар иш бериши мумкин бўлган барча воситаларни қўллашга тайёр. Динми, тарихми, тилми, оилами — инсон руҳиятининг асоси бўлган бу хилқатлар денгизига балчиқ тўкмоқ ва уни лойқалатмоқ лозим.

Инсониятнинг онгли вакиллари томонидан яксон этиб келинаётган иллатларнинг туб илдизига назар солишнинг ўзиёқ юқоридаги мулоҳазага тасдиқ ясайди. Нега улар айнан руҳиятни нишонга олди деб ўйлайсиз? Сабаби, инсоният ўтган асрда шунчалик юқори тафаккур даражасига эришдики, бу бевосита икки Ренессанснинг узоқ муддатли ҳосиласи эди. Энди инсониятни ҳар доим ҳам моддий фитналар билан чалғитиб бўлмасди. Шу туфайли барча ҳуружлар кўринмаслик касб эта бошлади. Энди янги дунёга янги Ренессанс керак.

Юртимизда илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс ғояси асосида ҳам бугунги дунё ишларига қарши иммунитет ҳосил қилиш мақсади ётган бўлса ажаб эмас. Зеро, инсониятни мушкул муаммолардан ҳамиша маърифат қутқарган. Аммо ана шундай залворли ташаббусга миллат вакили сифатида кўпчилигимизнинг жавобимиз кўнгилдагидек эмасдай. Ахир бунинг ҳам туб илдизида минтақа аҳлининг инсоний тафаккурини ҳимоя қилиш ётибди-ку! Буни ҳар биримиз тўғри англаб, зарур хулосалар чиқармоғимиз лозим.

Замон шиддат-ла одимлаётган, техника тараққий этаётган бўлса-да, инсоният мазмунга ҳамиша эҳтиёж сезади. Мазмун бўлмас экан, маънавият моддиятга эврилишда давом этаверади. Моддиятдан иборат бўлган мавжудотларни эса роботлар деб атаймиз. Ўзимизнинг улардан фарқимиз қолиши учун инсонлигимизни ҳар лаҳза ҳис этмоғимиз, унинг моҳиятини ҳимоя қилмоғимиз, шунингдек, келгуси авлодларга тарғиб қилиб, етказмоғимиз лозим. Зеро, инсон фалсафасининг асосларидан бири ҳам, шубҳасиз, шу.

Мулоҳаза

ҚЎЛИМИЗДАГИ ХАВФ

ҲАВАС ОРТИДАГИ ХАТАР

Тонгни қандай қарши оламиз? Кўпчилик уйқудан уйғонибоқ ярим тунгача ҳамроҳи бўлган мобил телефонга қўл чўзади. Кун шу ҳолда қарши олинади. Ёшга, дунёқарашга қараб ҳаммамиз ўша телефондаги виртуал оламнинг қайсидир тармоғига асирмиз. Чексиз “ўргимчак тўри”нинг бир учига боғланганмиз.





— Яқинда бир низоли оилани яраштириш мақсадида ишчи гуруҳ билан бордик. Куёв ҳам, келин ҳам олий маълумотли, оила ўзига тўқ. Зиддият сабаби эса телефон экан, — дейди куйиниб самарқандлик Асадулла Йўлдошев.

ТЕЛЕФОН АЙБДОРМИ?

Охирги статистик маълумотларга кўра, Ер куррасининг қарийб 70 фоиз аҳолиси ижтимоий тармоқларнинг мунтазам фойдаланувчисидир. Бугун Ўзбекистонда мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони қарийб 34,2 миллионни ташкил этади. Аҳолининг мобил алоқа билан таъминлангани ҳар 100 киши ҳисобига 79 бирлик тўғри келади. Бу рақам 2020 йилда 69 бирликни, 2021 йилда 71 бирликни, 2022 йилда 73 бирликни ташкил қилган. Шу рақамлардан ҳам бу техникага бўлган ҳавас нечоғлик ортиб бораётганини билиш мумкин.

Бугун телефон, аниқроғи, ундаги кўнгилочар манбалар, ижтимоий тармоқлар яқинларимиз дийдоридан чалғитиб, янги “муносабат”ларни юзага келтирувчи воситага айланиб бормоқда. Нафақат бир девор қўшнилар, ҳатто бир оиланинг аъзолари ҳам ўзаро шу тармоқда гурунглашмоқда.

Ёшларимиз аксарияти виртуал оламда кезиб юради ва у ердан кўплаб информациялар қабул қилмоқда. Тармоқнинг оҳанраболиги ҳам шундаки, фойдаланувчи шахсини сир тутган ҳолда ўзга ном остида янги “дўст”лар билан мулоқот қилиши учун мислсиз эркинлик мавжуд. Баъзи тармоқларда интернет “юлдузи” бўлиш учун ёшлар темир йўл рельсига ётиб ёки вагонлар устига чиқиб, жонини хатарга қўяётир. Бошқалари ўз онасига ёки ўқитувчисига бетамиз қилиқларини тасвирга олиб тарқатишдан ҳам тоймаяпти.

Ижтимоий тармоқларнинг биз санаган зарарли жиҳатлари инсоннинг маънавий тарбиясигагина эмас, балки руҳияти ва саломатлигига ҳам зарба бермоқда.

— Интернетдан кўп фойдаланиш ёшларнинг кўзи, мияси, асаб тизими, хотираси, уйқусига салбий таъсир қилади, — дейди шифокор Соҳибжон Мажидов. — Қолаверса, камҳаракатлилик оқибатида юрак-қон томир касалликлари ҳам авж олмоқда.

Телефонларнинг инсон саломатлигига зарари бор-йўқлиги ҳақида кам бош қотирамиз. Узоқ йиллик тадқиқотларга кўра, аввало, мобил телефонлар электромагнит нурланиш манбаидир. Мутахассислар фикрича, у бутун организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Телефонда соатлаб гаплашиш сурункали бош оғриғига сабаб бўлиши ва ундаги қўзғатувчи микроорганизмлар турли касалликларни чақириши мумкин. Ҳатто баъзи манбаларга кўра, мобил телефон юзасидаги бактериялар унитаз гардишидагидан кам бўлмас экан.

Айниқса, болалар учун телефоннинг хатари кучли. Маълумотларга кўра, болалар бош мияси электромагнит энергиясини катталарга қараганда кўпроқ ютади. Шу боис, уларнинг ақлий ривожланиши учун масъул ҳисобланган бош мия бўлмачалари ҳам электромагнит тўлқинлар таъсиридан зарар кўриши мумкин. Биз эса билиб-билмай шу “ўйинчоқ”ни овунишга ўргатиб болаларимизга бериб қўямиз. Аммо бу овунчоқнинг зарари ҳақида ўйламаймиз. Тиббий маълумотларга кўра, сўнгги вақтларда мобил телефонлар аҳоли, айниқса, болалар ўртасида хавфли кўз касаллиги — миопия ривожланишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, шифокорлар телефондан узоқ вақт фойдаланиш боланинг руҳий ҳолати ва ижтимоий мослашувига ҳам жиддий таъсир қилишини таъкидлаяпти.

Авваллари ота-оналар фарзандини кўчадан уйга киритолмаган бўлса, энди телефондаги томошабоп манбалар кичкинтойларни “уй боласи”га айлантириб қўймоқда. Бугун шу “ҳамроҳ” сабаб спорт майдонларида ҳайқириқлар камайган, ўйнаб, қош қорайганда ҳориб келишлар йўқ. Тадқиқотларга кўра, инсон феъл-атворининг 80 фоизи беш ёшгача бўлган даврда шаклланиб улгурар экан. Навоий ҳазратлари 7 ёшида Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини ёд олган, буюк муҳаддис Имом Бухорий жуда кўп ҳадисни ёд билган. “Бола — лой, ота-она — кулол”, дейди доно халқимиз. Бола туғилгандан бошлаб тарбияга муҳтож бўлади. Бироқ ҳозирги кўпчилик оналар йиғлаётган боласини овутиш учун қўлига телефон тутқазади.

— Бугун 5-16 ёшли болалар кунига 3 соатдан 8 соатгача вақтини телефон қаршисида ўтказади. Гаджетларга бундай қарамлик катталарда диққат танқислиги синдроми, мактабгача ёшдаги болаларда эса ҳатто аутизм синдромига хос бўлган белгиларни намоён қиляпти. Яъни ўзаро муносабат ўрнатиш қобилияти пасайиши, хотира ва диққат каби когнитив функциялар заифлашиши, атрофдагиларнинг руҳий ҳолатига қизиқмаслик, бесабрлик, инжиқлик, хавотирчанлик, зўриқиш ва бошқа кўринишларда бўй кўрсатяпти, — дейди психолог Юлдуз Умарова. — Гаджетларни тақиқлар эканмиз, бола яна фаол ҳаётга қайтади. Шунингдек, телефон томошаси вақтини чеклаш, унинг ўрнига жонли мулоқот ва жисмоний фаолликни рағбатлантириш, жисмоний машқлар ҳамда очиқ ҳавода сайр қилиш, ўзаро ўйинлар ва тадбирларда қатнашиш жуда муҳим. Бу ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради ҳамда ҳиссий ҳолатни яхшилайди.

Албатта, технологиялар даври давом этар экан, ёшларимиз учун фойдали, уларни интеллектуал ривожлантирадиган платформаларни янада кўпайтиришимиз керак. Шунингдек, миллий контент асосида улар учун тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақида ишонарли ва қизиқарли маълумот берадиган замонавий ресурслар яратишимиз, шулар воситасида ёшларни фойдали ахборотга тўйинтира олишимиз лозим. Шундагина уларда янгиликларга нисбатан дид шаклланади. Бу эса виртуал олам гирдобига чўкиб кетишдан асрайди.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
журналист

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3829
41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:32 Топширилди — 00:15